

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бу китоб Азамат Қоржововнинг +99897 7138577 рақамли телеграм аккаунтидан харид қилинган. Китобни рухсатсиз тарқатиш, чоп этиш, веб-сайтларга жойлаштириш, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳларда эълон қилиш, бошқа китоб форматларига ўтказиш ман этилади. Қўшимча контактлар:
www.asarim.uz сайти,
asarim.uz@mail.ru электрон почтаси,
www.ok.ru ва
www.facebook.com ижтимоий тармоқларидаги Азамат Қоржовов профили.

Азамат Қоржововнинг барча электрон китобларини +99897 7138577 рақамли расмий телеграм аккаунтидан қонуний олишингиз мумкин!

АДАШГАН ҚИЗ ҚАСОСИ

Қисса

Шўролар даврининг сўнгги йилларида давлат ёғоч омбори мудирини қўшни тумандаги ҳамкасбиниқидан ярим кечаси қайтаётганида сирли равишда, хотини билан бирга ўлдирилади. Бутун бошли оиладан биргина қиз – ўша кеча зиёфатга бормаган Хумора тирик қолади. Бир кечада барча яқинларидан жудо бўлган ёш қиз қотилларнинг изидан тушади. У оиласи учун аёвсиз қасос олишга аҳд қилган эди...



Тошкент
2017

Азамат Қоржовов
«Адашган қиз қасоси»
Қисса

Телеграм: +99897 7138577



Кунларнинг бирида уйимга қайтаётиб ёмғирда қолдим. Биттагина пана жой, бу – ароқ-вино сотиладиган дўкончанинг торгина айвони эди. Ёмғир тингунча кутиб тураман, деб чопиб боргандим, дарча очилиб, қирғийбурун сотувчи кўзларини олайтирди.

– Юзтами? – сўради у, сўнг «четроқ тур» деган каби ияк қоқиб, бир қадам нарига туфлади. – Қуяйми?

– Йўқ, ичмайман.

– Шунақами?.. Адашмасам, нариги тўрт қаватли уйда яшайдиган домласиз-а?

– Журналистман.

– Тўрт қаватлида турасизми ишқилиб?.. Ана, адашмадим.

Сотувчи эриниб бурилди-да, ичкарига гап қотди. Нима деганини эшитмадим, аммо шу заҳоти ўрнидан турган одамни, аниқроғи, эркаклардай кийинган аёлни кўрдим. Дарчага энгашиб, менга синчков назар солди. Енгилтак десам енгилтакка, шаллақи десам шаллақиға ўшамасди. Қирқ ёшларга борган, бўяма соч, юзига эринмасдан

упа сурилган ва албатта ажинларини барибир яширолмаган хотин эди у.

– Бешинчи «дом», ўн еттинчи кватирада турасизми?

– Ҳа.

– Қаранг, тақдирнинг ўзи шу ердаёқ учраштирди. Манзилингизни Мамлакатдан сўраб олгандим, учинчи қаватдаги қўшнингиздан. Сизни суриштириб юрганимда, «мен танийман у кишини» деб қолсам! Ҳайрон бўлманг, касбингиз бўйича ишим тушди. – У кўчага кўз ташлади. – Эшикдан келинг, бундай гаплашиш ноқулай! Келсангиз-чи! Уйингизга бориб ўтирмайин дейман-да, журналист ука.

Гап шу аёлни уйимга эргаштириб бормасликда экан, каталакдек дўконга жон-жон деб кирганим бўлсин, дедим ўзимча. Ичкарисини каттароқ ҳожатхона ҳажмича бор эди. Токчаларда катта-кичик, рангли-рангсиз шишалар териб қўйилган, тўрт томонда қутилар, музлатгич, бўш шишалар. Авваллари бундай қовоқхоналарга бош суқишни, бир бурчакдаги қутига ўтириб, юзта-юзта ичишни, чекишни хуш кўрардим. Энди эса бари ортда қолди. Ҳаёт яхши ишлар билан яхши эди.

– Ростдан ичмайсизми? – сўради аёл.

Кўк жинси шими, қизил курткаси, елкага тушган жингалаксимон сочи – бутун борлиғи таъбимни тирриқ қилди. Оғир бош чайқадим ва менда нима иши борлигини сўрадим.

Ўтиришга мулозамат қилди. Мен, у ва дўкондор бир амаллаб жойлашдик. Ўртада очилган ароқ, пиёлалар ва газаклар. Ёмғирнинг шовиллаб ёғаётганигина дунёда гўзаллик ва нафосат ўлмаганидан дарак берарди.

– Бунақа мард харидорни биринчи кўришим, – деди дўкондор аёлни менга кўз-кўзлаб. – Енгилроқ нимадир қуяйми? Ахир, бу... – Афтидан у «хотин киши ичганда, сиз қараб турасизми?» демоқчи эди.

– Бас, – деди аёл жонимга оро кириб, – ичмасак ичмаймиз. Очиғи, иждокор одам унча-мунча отиб туради, деб ўйлагандим. Хуллас, сизга манави... – У қўйнидан бир даста ўроғлиқ қоғоз чиқарди. – ...қўлёмани топшираман, роппароса шу вақтда, эртага қайтариб оламан. Шунга келишсак бўладими?

– Нима қиламан бунди?

– Ўқиб чиқасиз. Муаллифини топишим керак, ёрдамлашасиз. Илтимосимни ерда қолдирманг. Тағин «эксперт эмасман» деб рад қилманг, фақат сиз топа оласиз.

– Фақат мен? Йўғ-е, жуда ишониб юбораяпсиз. На сеҳргарман, на Шерлок Холмс.

– Хўп денг, – ўжарликдан қайтмади аёл.

– Хўп денг-да, энди, ўртоқ мухбир, – ялинди дўкондор ҳам. – Аёл киши мурожаат қилаяпти, аёл киши!

– Бундан ўн йил аввал газетада бир мақола чиқаргансиз. Эсланг! Одам ўлдирган қиз ҳақида.

Мақолани осмондан олиб ёзмагандирсиз?

– Ердан ҳам олиб ёзмаган, – ҳиринглади сотувчи.

– Ака, беш дақиқага чиқиб туринг, агар дўкончангиз эмас, шоҳона саройингиз бўлса ҳам! – деди аёл кутилмаганда қирғийбурунни жеркиб. – Ё биз чиқайликми?

– Гап бўлиши мумкинмас! Кетяпман, сингилжон, кет-яп-ма-а-н!

Дўконда иккимиз қолдик.

– Ўн йил аввалги ёзганларим борасида бир нима деёлмайман, – дедим мен.

– Аввал қўлёмани кўринг.

Қўлёманинг биринчи саҳифасида «Менинг исмим Хумора» деган ёзув кўзга ташланди. Ёзув унниқиб кетганига қараганда, анча йил бурун битилган эди.

– Агар топсангиз, оғзингизга сиққанича пул бераман, – деди аёл. – Мақолани эсладингизми? Уйга боринг-да, эсланг. Қўлёмани ҳам ўқиб чиқинг. Мақолангиздаги қотил билан қўлёмани ёзган қиз – битта одам. Бошқача бўлиши мумкинмас. Ўқиб чиқасиз-а? Менга келсак, кимман, исмим нима, ҳозирча билмай қўя қолинг.

– Хўп. Лекин пулингизни олмайман. Қизнинг шахсини аниқлаган тақдиримда ҳам, аввал кимлигингизни билиб, кейин айтаман. Бирон ишқалга аралашиб қолмай деяпман. Агар бирор муаммо чиқса, сизни топиш қийин

эмас. Мамлакат опа, бу дўкон эгаси, хуллас, ўзим – гувоҳ кўп.

Аёл мийиғида кулиб қўйди.

– Эртага, худди шу вақтда дўкондан йигирма қадам нарида турсангиз, ўзим чақираман. Келишдикми, ука?

Нима ҳам дердим. Қисқа, ғаройиб, бир оз ёқимли учрашув эди бу. Уйга келиб, аввало, ўн йил бурунги мақоламни эслашга уриндим. Адашмасам, ота-онаси вафот этадию эрка, арзанда қиз ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз қолади. Бир эмас, икки машина, онасининг тилла тақинчоқлари, омонат кассада ва сейфда дадасининг пуллари. Бебош қиз шу даражага борадики, қармоғига илинган йигитлар ёрдамида кимнидир ўлдиради, уйига ўт қўяди. Бироқ воқеа ўн йил бурун эмас, бир минг тўққиз юз саксон тўққизинчи-тўқсонинчи йилларда содир бўлганди, шекилли. Дастлабки видеомагнитофон ва беҳаё фильмлар кассетаси ҳақида ҳам сўз юритилган эди-да.

Барчаси ароқ дўконидаги аёлга нечоғлиқ алоқадорлиги хусусида яккаш тўхташга келолмасам-да, унда ўч олишга ўхшаш қандайдир ғайирлик борлигини сездим.

Ёмғир эринмай, шивалаб-шивалаб ёғарди. Кечки овқатни еб, диванда ёнбошладим-да, қўлёзманинг биринчи варағини олдим.

* * *

Тилаб олинган фарзанд – яккаю ягона қиз эдим. Оғзимдан чиққан

нарсани муҳайё этишар, мендаги кийим-кечак, ўйинчоқлар ҳеч кимда йўқ эди. Кейин укам туғилди, ўн бир ёш кичик укам Дилбек. Тенгқур қизалоқлар билан ўйнаб юрганимда, гоҳо қўшни хотинларнинг: «Садр ака ёғоч омборида ишлаб битиб кетди», «Хуморани ким келин қиларкан? Ўзларига ўхшаганлар билан қуда бўлади-да», «Шунча пулни қаерга босаяпти-я? Бунинг ҳам жавоби бўлса керак?» қабиллидаги гаплари қўлоғимга чалинарди. Кечқурун қўшиб-чатиб ойимга сўзлаб берардим. Ойим диққат билан тингларди, сўнгра қош чимириб: «Гап бичишдан бошқа нима ишлари бор ичиқора камбағалларнинг!» – дерди. Негадир шу гапидан завқланардим, ҳамма мендан паст эди ва пастлигича қолишини истардим.

Бир куни муюлишдаги сариқ сувоқли уйда яшовчи ашаддий ғийбатчи хотин шундай деганини аниқ-тиниқ эшитдим:

– Моҳина янга Хуморадан кейин ўн бир йил ўтиб, яна туққан, қандай бахтли, дейсизми? Вой, Садр ака касаллигини ҳаммамиз биламиз, боланинг жанжали бекорга бўлдими! Бола бошқадан, ҳа, бошқадан! Бу кўпчиликка маълум. Масалан, мен ҳам кўчадан эшитганман. Бир балоси бўлмаса, кўчага гап чиқмайди.

Дадамни соғ-саломат, бахтли инсон деб билардим. Укам туғилганида эса уйда бола жанжали бўлганини-ку ҳечам эслаёлмайман.

Демак, ғийбатчи хотин тухмат қияпти.

Бу гал ойимнинг қоши чимирилмади, кўзларини туйқус олиб қочиб:

– Итдан тарқаган жулдурвоқиларнинг гапларига қулоқ солишни бас қил! – деди. – Улар тенгимиз эмас, бизни гапиришга қўрқишади. Нариги маҳаллада бизга ўхшаган оила бор, исмлари ҳам ўхшаб кетади, ўшаларни гапирган, тушундингми?.. Ҳалигача оғзингни очиб турибсанми? Бор, қизларга айт, Дилбекка «Малиш» беришсин.

Шундан сўнг эътибор қилсам, уйимизда нимадир ўзгариб қолгандек эди. Дадам сигарет чекиб, ароқ ёки пиво ичиб, телевизор қаршисида соатлаб ўтирарди. Ойим чақалоққа қарашга ёрдамлашсин деб, қишлоқдаги аммамнинг қизларини чақирган, ўзи эса ухлагани ухлаган эди. Қариндошларимиз камбағал бўлганиданми, қизлари бизникида еб-ичиб, ўзларини бойвуччадек тутишлари, тилларини бураб, менга таассуб солишлари жиғимга тегарди. Қаттиқ гапирсам ҳам аразламасдилар. Қайтанга «Хумораларникига бораман, сенинг навбатинг ўтди» деб опа-сингиллар уйларида навбат талашишар эди. Мен бир малика, қариндошларимизнинг фарзандлари эса хизматкорларимиз эди гўё.

Ўн олтига тўлганимда ҳам эркалигим, калондимоғлигим

қолмади. Баъзан мактабда, кўча-кўйда гап билан чақиб оладиган, «ўв, дадангнинг пулига бунча шишмагин» дегувчи шаддод қизларга ҳам дуч келардим. Шунда бир поғона пасайиб қолгандек қўрқиб, ўзимни янада баландроқ тутиш йўлларини қидирардим. Ойимга айтиб, ҳеч кимда йўқ қиммат кийимлар олдирганим, яқин дугоналаримга зиёфатлар берганим, ҳафта-ўн кунда шов-шувли нимадир ўйлаб топганларим умрбод эсимдан чиқмаса керак. Менинг тарбиям заҳарланган эди. Ўша кунларни бахтли дамларим деб ҳисоблардим. Афсуски, на фожиадан олдин, на ундан кейин бахтли бўлганман.

Бироқ, ўйлашимча, асосий қуролим бойликдан ҳам кучлиси, яъни ҳусн-малоҳатим эди. Ҳар куни ишқий номалар битишарди. Бошқа мактабдан келиб, дарвоза тагида дарсдан чиқишимни пойлаб турган йигитчаларни ҳам тез-тез учратардим. Кўпчилиги бойваччалар бўлиб, «ўз тенгини ахтариб келгани» ошкор сезилса-да, аслида ҳуснимга асир эканлигига амин эдим.

Худо урган қалбсиз қиз экан, деган хаёлга борманг. Мен ҳам ёқтирардим. Синфдошим эди у, исми Жўрабой. Ҳаммамиз Жўни дердик. Келишган, очик юз, тоза-озода йигит эдию бир оз шумлиги бордек туюларди. Отаси қайсидир идорада ҳисобчи, уй-жойлари ҳам туппа-тузук, ўзига тўқ оила. Жўни учун ўлиб-тирилмас эдим, у ҳаётимнинг

қайсидир бўшлиғини тўлдирарди, холос. Дугоналарим сирли учрашувлар, бўсалар ҳақида гапирганда, фақат мазах қилаверишим ёки жим тураверишим натижасида охир-оқибат уларга кулги бўлмасмикинман, деб ҳадиксирардим. Энг яқин дугонам Фарзона ўнинчи синфдаги бир йигитнинг пинжига тиқилганини кўрганимда, довдираб қолганман. Ахир, қизларнинг тўдабошиси эдим. Фарзона юқори синфдаги бегона йигитнинг оғушига сингиши ҳақиқатан ғалати бир ҳодиса бўлиб, мени довдиратиб қўйганди.

Жўни менга илиқ гап айтишдан нарига ўтмас, орзуйимдаги йигит эмаслигига тобора ишонч ҳосил қилмоқда эдим. Кўнглимда Жўнига бўлган ишқ чўғи ва унинг илк бўсасини татимаганимда, аччиқ устида бошқа мактабдаги йигитларни танлардим, истасам, ҳар ойда алиштирардим. Изимдан чопадиганлар барибир топилаверарди. Шунга ишонардим ва тентак туйғуларимга қачонлардир бутунлай таслим бўлишимни ҳам кўнглим сезарди.

Ўша кезлари Гулзора аммам оёғи куйган товукқа ўхшаб уйида ўтиролмай қолди. Кун-кун ора бизникида. Кўзларини олайтиб, бидир-бидир гапиравериши, хушомадлари, сохталиги сезиладиган ширин сўзлари жонимга тегиб кетганди. Муддаоси дадамдан ҳар доимгидек пул ундириш эмас, мени

келин қилиш эканлигини эшитганимда, портлаб кетаёздим. Санжар сўтакка, аммамнинг ўғлига тегармишманми? Мен-а?! Нима, жинни бўлганми улар?!

Аммам бўлса ҳам қараб ўтирмадим.

– Кимсиз ўзи? – дедим захрини сочиб. – Келиб-келиб сизга келин бўламанми? Дадамдан пул тиланиб оилангизни боқасиз, Санжар-ку қачон қарасам, эшак миниб, йиртиқ калишли оёқларини саланглатиб, ўт ташиётган бўлади. Бу ҳам етмагандек оғзида нос! Агар шу гапингиз кўчага чиқса, мендан яхшилик кутманг, амма! Дадамнинг биттаю битта опаси бўлсангиз ҳам!

Шу билан пусиб қолгандек бўлди. Афсуски, янглишган эканман. Ҳовлимиздаги қурилиш беш йил давом этиб, ниҳоят, мен, дадам, ойим ва укам – тўрталамиз бегоналарсиз, шоҳона, осуда яшай бошлаган ўша ўн олти ёшлигимда бошимга оғир кулфат, тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган жудолик тушди. Бир йўла уч яқинимдан ажраб қолдим: дадамдан, ойимдан ва беш ёшли укам Дилбекдан.

Эртасига ҳовлимиз одамларга тўлди, кўчадаги машиналарнинг ҳам сон-саноғи йўқ эди. Даҳшатдан буткул карахт ҳолда дам бу аёлга, дам унисига юпанмоқчи бўлардим. Тавба, йўл-йўл беқасам камзул кийган, оқ рўмол ўраган хотинларнинг биронтасини танимай гарангсиз кезинардим ҳовлида. Эс-

хушимдан айрилдимми, деган гумонда гоҳо бир четга чиқиб, эркагу аёлга анграйиб қарардим. «Энди қандай яшайман?!» деб ўйлаганим сайин тубсиз чоҳга қулаб тушгандек, жавоб тополмасдим. Олис-олисларга қочиб кетишни ёинки барчаси тушга айланиб қолишини қанчалик истаганимни билсангиз эди. Алҳақиқат, кўрганларим ўнгимда эди ва одам ўзидан қочиб қаергача бориши мумкин?

Дунёни зулмат қоплаган энг даҳшатли кун – дадам ва ойим ўлиб, укам бедарак йўқолган шафқатсиз онларнинг ларзалари сўнгги нафасимгача қалбимда сўнмаса керак.

* * *

Фожиали кунни, маъракаларни, ҳеч бир натижа бермаган терговни эслагим келмайди. Қотиллар ким бўлиши мумкин, деб мендан уч-тўрт марта сўрашди. Қаёқдан биламан?! Билсам яшираманми?

Бир кун ичида қуруқ ёғочга айланиб қолгандек эдим. «Энди қандай яшайман? Яшаб кета олармиканман?» деб ўйлардим ва ўй-хаёлимнинг охирига етолмасдим.

Мудҳиш кундан кейинги ҳаётимни тасвирлашдан аввал баъзи воқеаларни баён этаман. Бироқ ўнлаб ҳодисалар ичидан учтасинигина қаламга олишни жоиз деб ҳисобладим.

Биринчи воқеа кўкламда бўлиб ўтган, хунрезликдан уч-тўрт ой муқаддам эди. Айтиб ўтганимдек,

бировларнинг гап-сўзларига қулоқ солишим туфайли анча-мунча ахборот тўплаб юрардим. Бу гал эса ўз ота-онамнинг гапини пойладим. Мени ухлаб қолган гумон қилдими, борлигим ёддан кўтарилдими, билмайман.

– Дадаси, Чорвоқдаги уйни олайлик, – деди ойим. – Кейин ўша ёққа...

– Қўйсанег-чи! – дадам уҳ тортиш билан бирга сигарет тутунини пуфлади. – Ҳозир уй оладиган кайфиятда эмасман!

– Кайфиятга қараб ўтирасизми?! Ўша ёққа деяпман.

– Олиб қўйиб нима қиласан? Ҳар замонда хабар олиб туришдан нима наф? Ё дугона-пугоналаринг билан бориб турасанми? А?

– Мен билан бунақа оҳангда гаплашманг! Пичингларингиз жонимга тегди!

– Жонингга теккан бўлса, аралашма!

– Аралашма? Менга айтаяпсизми шу гапни?.. Демак, етиб келибмизда!.. – Нимадир гурс этди, ойим стол устидаги нарсани улоқтирди шекилли. – Ҳаммасини оқизмай-томизмай айтаман болаларим етим қолса ҳам. Билдингизми?! Ўша сўхтаси совуқлар аяб ўтиради, десангиз, майли...

– Моҳина, – деди дадам хийла шаштидан тушиб, – нимаики қилган бўлсам, сен учун қилдим, оилам учун! Шу гапингни иккинчи марта

гапиряпсан! Бу қилиғинг яхшиликка олиб бормайди.

Қўшни хонага жимлик чўкди. Бошимни секин кўтардим, қия очиқ эшикдан ёруғлик тушиб турар, аммо шифт бўйи мебеллардан бўлак ҳеч нима кўринмас эди. Бир-бирига термулиб ўтиришибдими ёки тескари қараб аразлашаяптими, маълум эмасди менга.

Бир пайт ойимнинг овози эшитилди:

– Нима қилмоқчисиз?

– Ётоқхонада шернинг сурати туриши кимга керак? Кўзим тушса, пиёниста рассом эсимга тушаверади. Уни... – Дадам қандайдир ишора қилганга ўхшади.

Ойим:

– Йўқ, бу ҳам хавfli, – деб рад этди.

– Аввал нима демоқчи эканлигимни бил.

– Тушуняпман, лекин...

– Нега хавfli экан? Эртагаёқ девордан қириб ташлайман, – деди дадам розилик олиш илинжида ялинчоқ оҳангда.

– Барибир бефойда.

– Кечирасан-ку-я, «Панелка»да ишлаганман, бемалол эплейман. Бехосият шер кимга керак? Бошга битган бало бўлиб, эртага иккимизни ҳам ажалимиздан бурун ўлдириб қўймасин.

Шундан сўнг эшикни ёпиб қўйишди. «Панелка» нима эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмадим, шу заҳоти эсимдан чиқди-кетди.

Англаганим шу эдики, ота-онам нимадандир қаттиқ ташвишда, бу ташвиш, шубҳасиз, девордаги шер сурати билан боғлиқ эди. Чорвоқдаги ҳовлининг ҳам қандайдир алоқаси борлиги ажаблантириб: «Нима бало қилишяпти-я булар?» – дедим ўзимга-ўзим.

Эртасига дадамнинг ётоқхонасига кириб, ростдан ҳам шер сурати девордан кўчириб ташланганини кўриб ҳайрон бўлдим. Гилам қайирилган, полда кесак, сувоқ ва бўёқ қатламлари сочилиб ётарди.

– Уйга уста келдими? – сўрадим ётоқхонада турган кўйи баланд овозда.

Пастдан ойимнинг жавоби эшитилди:

– Нега уста келаркан? Чиқ ётоқхонадан! Видеомагнитофонга тегиниб, дадангдан балога қолма!

Уйимиздаги жами бешта хона деворларида шер тасвирланган эди. Албатта, шернинг ўзи эмас, оқ булутлар, ўрмон ва тоғ манзараси фонидаги қушлар, оҳулар. Умуман олганда, фақат бизнинг уйимизда эмас, ўзига тўқ, ортиқча пули бор кўплаб кишиларнинг уйларида деворлар бўялган, рамка қилинган, ўрмон манзараси, шер, йўлбарс, кийик тасвири чизилган эди. Суратлар бўялиб кетмаслиги учун рассомлар сурат устидан елим пуркашарди. Елим ҳаво ўтказмагани вазидан деворлар намланар, ҳаво ҳам бўғилар, шу боис тушунган инсонлар уй деворига сурат

чиздирмас эди. Мен ҳам ўшанда «Балки ётоқхонада ҳаво етишмаётгандир» деган хаёлни ҳам кўнглимдан ўтказганман.

Ётоқхонага кирганимни эшитган дадам: «Оббо, қизим-ей!..» деб бош чайқаб қўйди ва тешани олиб бошқа хоналардаги шер суратларини ҳам кўпориб ташлади. Ҳеч нарсага тушунмадим. Хона деворларини ганч қилдириш, сурат чиздириш, албатта, арзон-гаровга тушмасди. Биргина камчилиги, юқорида ёзганимдек, бўёққа елим қўшилгани учун хоналар клёнка билан ўралгандек дим бўларди. Бунда шер суратларининг нима айби бор экан?

Иккинчи воқеа ойнаи жаҳонда ҳинд киноси намоиш этилаётган кечки соат йигирма иккиларда рўй берди. Телефон жиринглади. Ойим экрандан кўз узмай менга буюрди:

– Хумор, гўшакни кўтар!

Даҳлизга чиқдим. Жўни қўнғироқ қилган бўлса ўлдираман, деб аччиқ устида:

– Алё, – дедим.

Дарҳол жавоб беришмади.

Шунда кўзларим беихтиёр дадамга тушди. Ушбу сатрларни ёзар эканман, раҳматли падаримнинг кўзларидаги хавотирни кечагидек эслайман. Назаримда, у кимдир қўнғироқ қилишини хавотир аралаш кутаётган эди.

– Хуморамисан? – сўради ниҳоят нариги томондан аёл киши.

– Ҳа. Кимсиз?

– Даданг уйдами?

– Кино кўриб ўтирибди, чақирайми?

– Чақир, айланай. Шундай одам кино кўриб ўтирса-я! Ҳаётнинг ўзи энг қизиқарли кино.

Гўшакни стол устига тўқ этиб қўйиб, дадамга имо қилдим. Иш юзасидан ҳар хил аёллар, эркаклар тез-тез сўрашарди, шу боис хаёл осмонимда пайдо бўлган бир парча булут зумда тарқади-да, жойимга ўтириб, фильмни томоша қилишда давом этдим. Хиёл ўтмай ойим ҳам ўрнидан турди. Ортимга шунчаки қараб қўйганимда, дадам иккиси гўшакка ёпишиб, жон қулоғи билан тинглардилар. Иккисининг ҳам юзида ташвиш ифодаси зоҳир бўлганди.

Бир оздан сўнг яна хаёлим бўлинди. Ота-онам ҳали ҳам телефон олдидан узоқлашолмай, ўша аёл билан бўлса керак, муросага келолмай тортишарди. Ташқарига чиқиш баҳонасида даҳлизда кўймалана бошладим.

– Бўл, тезроқ чиқ, – жеркиб берди ойим, – мана шиппагинг.

Шу лаҳзалар ичида қуйидаги сўзларни эшитишга муваффақ бўлдим:

– Видеокассетани сотиш учун сақлаётганим йўқ... Айтаяпман-ку, тухмат қилдингиз деб. Ўн бир йил кутилган ўғилни нималар демадингиз, ахир?.. Ким қамалади, ким ўлади, бунга вақт кўрсатади...

Қўнғироқ қилган аёл мени таниганига қараганда, зиёфату

базмларда келиб юрадиганлардан эди. Айтишим жоизки, ойим болалар уйдан чиққан, дадамнинг эса опасидан бўлак яқини йўқ эди. Шундай экан, ким ҳам бўларди? Албатта, дадам билан ойимнинг танишларидан бири-да.

Учинчи воқеани қотиллик масаласида эътиборга молик деб ҳисоблагим келмади, аммо қандайдир ички оғриниш билан қаламга олдим. Бу – аммам воқеасидир. Аввал ёзганимдек, Гулзора аммам дадамдан ул-бул баҳона билан тез-тез пул олар, эски кийимларимиз, мебеллар, телевизорлар, ҳатто ғишт бўлаклари ҳам қишлоққа, аммамникига жўнатиларди, аниқроғи, уйимиздан чиққан чиқиндиларни ҳеч кимга, ҳаттоки чиқиндихонага ҳам раво кўришни истамай очофотдек ташиб кетарди. Аммамнинг эри доим ичади, ўғли Санжар ҳам тўйларда маст, уч қизи эсини танигандан бери бизникига келиш, бир нима ундириш умидида яшайди. Оилавий муҳити шуни тақозо этиб, биздан нарса ундириш қон-қонларига сингиб кетганди. Ғурур, орият, одоб деган фазилатларни уларнинг бирортасида кўрмасдим ва бундай қариндошларнинг боридан йўғи яхши эди. Боз устига мени келин қилиш учун жонини жабборга бериб ҳаракат қилганини-чи, муттаҳамларнинг. Бўйим етгач, мен ҳам уйни тарк этишим керак. Тарк этганда ҳам худди эски-туски

нарсаларимиз каби тўғри аммамникига даф бўлишим лозим.

Гап билан чақиб ташлаганим учун ўша кунни кеч-қурун дадам одобсизлик ва бетгачопарликда айблаб, койиди, ойим эса мақтади.

– Хумора тўғри қилди, – деди жўшиб, – нимасига ишониб яккаю ёлғиз қизимни келин қилмоқчи? Ҳойнаҳой, тўйни ҳам ўзимиз ўтказиб беришимизни хоҳлаётгандир-да? Эртага Санжарга уй олиб бер, ишга ўтказ, машина минсин, дейди. Бор топган-тутганимиз ўшаларга кетади. Қизларини ҳам бизнинг пулга узатишади. Бунча кўзи оч бўлмаса-я! Ундан кўра ҳаракатларини қилсин!

– Сен бойвуччасан, Моҳина. Поччамга ўхшаган эрга дуч келмаганингга шукр қил.

– Нима?! Бу билан «ёлғиз ўзим бойидим» демоқчимисиз?

– Бўлди, сал нарсага эслатаверма! – дадам сигарет тутатди. – Шу одатинг туфайли опам сиримизни билиб олди. Бекорга қизингни сўрайдими? Кўрасан, ҳали шарт кўяди, «берсанг бердинг, бермасанг икковингни ҳам шарманда қиламан» дейди! Айтиб қўяй, опам росмана оёқ тираб олса, иложимиз йўқ.

– Нималар деяпсиз, дада?! – сапчиб турдим ўрнимдан. – Санжар сўтакка текканимдан кўра ўлганим яхши! Жиддий айтаяпман!

– Қизим, – ялт этиб қаради ойим, – мактабни битиришингга бир йил бор, ҳали институтда ўқишинг керак, ҳеч ким сени эрга бермоқчи эмас. Бор,

хонангга чиқиб ёт. Ҳадеб бировларнинг гапини пойлашни бас қил! Кундан-кунга айфоқчиларга ўхшаб бораяпсан.

Чопиб чиқиб кетдим, аммо яна қандай гаплар бў-ларкан, деб эшик ортида илқис тўхтадим.

– Бир кун келиб тузлиғимизга туфлашига ишонаман, – деди ойим, – лекин опангиздан қўрқадиган жойим йўқ, шунчаки индамай юрибман. Забтига олса, «ҳаммаси тўғри, шундай-шундай қилганман, керак бўлса, сен ҳам қил, қўлингдан келмаса қизларингни ишга сол», дейман. Э, биринчидан, бировнинг тўшагидан тортиб олган жойи йўқ, нега ҳукмини ўтказар экан!

– Жиянларимни қўшма, опам билан ўзим гаплашаман.

– Гаплашсангиз тезроқ гаплашинг. Бир кун бошимизга бало олиб келади шум оёқ.

Ниманидир сезгандек бўлдим, илло хаёлимга келтиришга-да жазм этолмасдим. Наҳотки, ойим?.. Йўқ, дадам ва ойим бир-бирига садоқатли, бахтли, бой ва ҳеч қачон паст кетмайдиган кишилар. Ҳамма муаммо – ғаламис, ичиқораларнинг ғийбатларию бўҳтонларида.

Битмас-туганмас ғам-алам, жудолик, бахтсизлик олиб келган июннинг ўша мудҳиш шанбасида уйда қўшнимизнинг икки қизи билан қолдим. Дадам, ойим ва Дилбек «Волга»да қўшни тумандаги ёғоч омборининг янги мудириникига жўнашди. Бола-чақангиз билан

келинг, деган экан, кап-катта қиз бўлганим боис олиб кетишни маъқул кўришмади. Борганимда, ҳозир жасадим тупроққа қоришиб ётармиди. Ҳа, мени Яратганнинг ўзи сақлади. Буни ўзимча тушунаман, яъниким ўз қўлларим билан қотилларни жазолашим учун тақдир мени омон қолдирган.

Жанозадан кейинги аччиқ кечмишларимни ҳикоя қилишдан бурун Моховлидаги воқеага икки оғиз тўхталсам. Дадам йўлни яқин қилиш учунми, кимдир маслаҳат берганми, «Волга»ни катта йўлдан ўнгга, Моховли томонга бурган. Бу йўл уйимизни ҳақиқатан беш чақиримга яқинлаштирардию, аммо ташландиқ қишлоқнинг ўнқир-чўнқир йўлидан ўтиш керак эди. Вақт эса ярим кеча бўлган, зим-зиё, кимсасиз. Афсуски, милиция на хунрезлик қилган кимсани, на биронта гувоҳни тополди. Кечаю кундуз олиб борилган терговлар, папка қўлтиқлаганларнинг савлати, минг хил чора-тадбирлар – ҳеч бири иш бермади.

Машина Моховли йўлига бурилганини тушуниш мумкин, лекин нега ташландиқ қишлоқ ичкарасига, эски булоқ кўчасига кирган? У салкам ариққа айланиб кетган қаровсиз йўл бўлиб, эллик қадамдан сўнг тугайди. Ҳар қандай ҳайдовчи сезади буни. Дадам бунақа жойдан юрмаслигини биламан. Боз устига йўлини яқин қилишга,

айтайлик, бензинни тежашга кўзи учмагани ҳам менга аён.

Дадамнинг жасадини ёввойилашган олма тагидан топишган. Кўкрагига пичоқ санчилган ҳолда ўлиб ётган экан. Ойим эса «Волга»нинг олд ўриндиғида ўтирган кўйи жон берган. Бўйнида сиртмоқ изи бор эди. Экспертлар атрофдан укамнинг изларини топишган. Қандайдир аскарча этик изи ҳам аниқланган, аммо у ўнлаб излар орасида сирли равишда ғойиб бўлган.

Дадамнинг «Волга»сини биринчи бўлиб кўрган одам тракторчи эди. «Эшиклари очиқ бу машина эрталабдан ташландиқ қишлоқда нима қилиб турибди?» деб гумонсираган тракторчи тележкадаги йигитлардан бирига текшириб келишни буюрган. Одам ўлиб ётгани маълум бўлгач, бошқа йўловчилар ҳам боришган. Кейин юк машинасида бозорчилар келиб қолишган. Улар ҳам «Волга» ва ёввойи олма атрофини пайҳон қилиб ташлашган. Терговда маълум бўлишича, ҳеч бири аскарча этик киймаган экан. Демак, этик эгаси қотил. У дадани, дадам уни таниган. Акс ҳолда ярим кечаси бегона одамга тўхтамас эди. Ёки қотил йўл устига тўсиқ қўйиб, «Волга»ни тўхтатган, сўнг ойимнинг бўйнига сиртмоқ солиб, гаровга олиб, машинани ташландиқ маконга ҳайдашни дадамга буюрган. Бундай ҳолда ҳам қотил таниш эди, деган

хулоса чиқади. Ахир, ойим машинада қолган, дадам билан қотил эса олма тагига бориб, ниманидир муҳокама қилишган.

Хуллас, даҳшатли кунлар бошимга тушди. Дадамга пичоқ уришди, ойимни бўғиб ўлдиришди, укамни ўғирлаб кетишди. Кимнинг бу қадар қасди бор эди оиламизда? Нега укамни ўлдирмади? Демак, фақат дадам ва ойимдан ўч олишга қасд қилган экан-да?

Ўйлайвериб тентак бўлиб қолаёздим. Маҳалла аҳлюю танишбилишларимиз, Гулзора аммам – барчаси укамнинг тирик топилишини Худодан сўрар, менга сабр тилашар, нақадар даҳшат ичида қолганимни билмагандек нуқул фожиадан оғиз очишарди. Яна ўйлардим: гувоҳларнинг айтишича, кўшни тумандаги ёғоч омбори мудирининг ҳовлисида чиққанида дадам рулда, ойим билан укам орқа ўриндиқда бўлган. Қандай қилиб, ойим олд ўриндиққа ўтиб қолди? Қотил ойимни олд ўриндиққа ўтказиб, ўзи укамни гаровга олганмиди? Машинада, кўчада, олма атрофида фақат укамнинг излари. Бундан ўта мантиқсиз, ғалати бир хулоса чиқади: демак, қотил беш яшар бола, яъни укам экан-да! Худди қўрқинчли фильмлардагидек. Жинни бўлаяпман. Ҳа, эсдан оғишим ҳеч гап эмас.

Терговчи «йўлда таниш одам тўхтатиб, Моховлига алдаб олиб келган», деган тахминни асосий

тахмин қилиб олди. Яна бир чигалли томони шунда эдики, машинадан бегона одамнинг изи топилмади. Тергов қилинган таниш-билишларнинг деярли ҳаммаси дадамда шу қадар ваҳшиёна қасди бор кимса бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлашди. Бу ўта кам учрайдиган бахтсиз воқеа бўлиб, бизнинг оила қандайдир савдойи қонхўрнинг тасодифий қурбонлари эди.

Гарчи манфур қотилларни топишолмаган бўлса-да, милиция ходимлари машаққат нима билмай ахтардилар. Укамнинг сурати минглаб нусхада тарқатилди. Телефон сўзлашувлари орқали шубҳа уйғотган кишилар терговга қатнаб, ийиғи чиқиб кетгани ҳам эсимда. Ҳатто, қотилликдан ўн ой муқаддам бир зиёфатда дадам билан айтишиб қолган водийлик меҳмонни Самара шаҳридан ушлаб келдилар. У ҳам қотил эмас экан.

Баъзилар соддадиллик билан қўнғироқ, хат ёки элчи келишини кутди. Нима эмиш, жиноятчилар укам Дилбек учун товон пули сўрармиш. Мен эмас, одамларнинг ўзлари жинни бўлиб қолган. Бола ўғирлаб, пул ишлайдиган кимса ота-онани ўлдириб, ҳаммаёқни алғов-далғов қилиб, сўнгра пул сўрашга келадими? Йўқ, бу хунрезлик бола ўғирлаш мақсадида қилинмаган. Назаримда, дадам билан ойимнинг қисматига сабабчи мудҳиш бир сир бор эди. Ўша куни машинани атайин

Моховлига ҳайдаган, машинадан тушиб, олма тагида қотил билан учрашган дадам тузатиб бўлмас хатога йўл қўйган. Қотил пичоқ санчиб, машина томон юрган. Ойимдан ҳам қутулгач, укамни олиб, жўнаб қолган. Кун келар, қаердандир укажонимнинг дараги чиқар... Гўдак бошига шум кўргиликлар тушган шўрлик укам! Қаерларда юрган экан-а? Ишқилиб, эсон-омон топилсин! Ахир, бутун бир оиладан фақат мен қолмагандирман? Бунчалик шафқатсиз эмасдир бу ҳаёт?..

Тушларимга шерлар кириб чиқадиган бўлди. Дадам уйимиз деворларидан теша билан қириб ташлаган шерлар!.. Ойимга: «Бехосият суратлар ажалимиздан бурун иккимизни ҳам ўлдириб қўймасин», деганда, маънисини нега сўрамаган эканман? Нима учун бунчалар боқибеғамлик қилдим? Нима учун?..

Ўзимни ўзим еб яшай бошладим.

* * *

Қотиллик ҳақида яна қандай фикр-мулоҳаза билдиришим мумкин? На изқуварман, на детектив адиба, бор-йўғи жабрдийда қизман. Шу важдан энди қотиллик хусусида эмас, жанозадан сўнг ҳаёт йўлларимда юз берган воқеаларга кўпроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Балки бу кечмишлар қотиллар маконига бошлаб борар...

Маъракаларга ким бошчилик қилганини сезгандирсиз? Албатта, Гулзора аммам. Кўргани кўзим,

отгани ўқим бўлмаган ўша аёл! Унинг муқаддам бизга хизматкорлик қилган оиласи!

Бошида билинмади: ғам билан бўлиб, борлигини ҳам, йўқлигини ҳам сезмадим. Худойидан сўнг қарасам, аммам ва қизлари ойимнинг сандиғини титкилаб ўтирибди. Хонага кирганимда ранги қув ўчди. Қизлари аввалгидек ҳадиксираб эмас, ишларига халақит берганимдан ранжиб, хушламай боқдилар.

– Нима қилаяпсиз? – дедим ўдағайлаб.

Йиғлайвериб, овозим бўғилиб қолган эмасми, ўзимга ҳам зўрға эшитилди.

– Вой, Хуморажон, эшон ойим келувди, мато бериш керак. Ирим шунақа! Агар ўзим олиб бераман, десанг, ундан ҳам яхши. Кел, қара. Балки ўзинг...

– Қарамайман! Ёпинг сандиқни!

– Хумора, маърака кунлари уриш қилма, уят бўлади, айланай.

Аммамнинг овозини эшитган нариги хонадаги аёллар мўралашди. Ҳазабдан кўкарганимни кўриб, ўртага тушишди.

– Эшон ойим меҳмонхонада ўтирибди, эшитиб қолмасин. Майли, матони ўзинг топиб бера қол.

Хўрлигим келиб, ётоғимга чопиб чиқиб кетдим, ўксиб-ўксиб йиғладим. Бу хоналарга ойимнинг рухсатисиз ҳеч ким киролмас, буюмларига тегинолмас, бемалолхўжа бўлиб ўтиришолмас

эди. Энди эса ҳамма жойни хотин-халаж босган. Бири маросим баҳона сандиқ очса, бошқаси жавондан чойнак-пиёла олар, яна бири ўзини яхши кўрсатиб, ойимнинг тилла тақинчоқларини қайсидир хонадаги шкафга қулфлаб қўйганини айтар, кийимларини томоша қилиб, жонимни ҳиқилдоғимга келтиришар эди. «Йўқол ҳамманг!» деб қичқиришни истардим. Аммо ростдан ҳаммаси кетиб қолишса, ёлғиз ўзим ҳайҳотдек ҳовлида қандай яшайман? Бошқа қариндошимиз бўлмаса!

Бунисига ҳам чидашга мажбур эдим. Худойига анча-мунча пул зарурлигини эшитганимда, сейфнинг калитини амаллаб топиб, маҳалла эркаларига кераклича олиб бергандим. Кўнглим бир оз бўлса-да хотиржам тортиши учун уйдаги қимматбаҳо тақинчоқларни тўплаб, ўша сейфга тиқишга қарор қилдим. Кейинчалик қандай яшашимни ҳам ўйладим. Мактабни битиришимга бир йил бор. То битиргунимча, қўшниларнинг қизларидан илтимос қиламан, навбат билан бизникида ётишади. Қолганига худо пошшо. Балки институтга кириб, олис вилоятдан келган курсдошларимга уйимдан жой берарман, балки... турмушга чиқарман. Куёв топиш... менимча, қийин эмас.

Дарвоқе, жаноза кунини синфдошларим таъзия билдиришга келишганда, ораларида Жўни ҳам бор эди. Бироқ кутганимчалик

қайғуда эмасди, алланечук қимтиниб, қимтиниб ҳам эмас, ирим қилгандек, мажбуран қадам босгандек туюлди. Чин дилдан севганида ҳар куни ҳолимдан хабар олмасмиди? Ҳозирча индамай турайчи. Фожиадан мен каби карахт ҳолга тушган бўлиши ҳам мумкин-да. Қўшнимизни ток уриб ўлганда, «кечагина тирик юрувди, ўлганига ишонмайман», деб ҳеч ўзимга келолмагандим-ку.

Синфдошларимга, хусусан, Жўнига ҳам осон эмас. Улар ҳам руҳий зарбадан карахт...

Аммо келажак режаларим хусусида чучварани хом санаган эканман. Худойидан сўнг маҳалладан оқсоқоллар чиқишди, кўни-қўшни тўпланди. Мактаб директори ва синф раҳбаримизни ҳам таклиф этишган экан, ўн беш чоғли одам бўлди.

– Хумора қизимизни ёлғизлатиб қўймаймиз, – деди оқсоқол, – насиб этса, укаси эсон-омон топилади. Энди, мақсадимиз шуки, бу уйга кимдир кўчиб келиши керак, ўн олти ёшли қиз ёлғиз яшолмайди. Раҳматли Садрбойнинг яккаю ягона жигари мана шу ерда. Гулзора, менга қара, – оқсоқол чақирганда аммамнинг кўзлари тилла топган мўлтониникидек йилтираб кетди. – Хумора қизимизни сенга топширдик, сени худога.

– Вой, ҳечам хавотир олманглар, – қувониб кетди аммам, лекин нимадир эсига тушди чоғи, бирдан

тумшайди. – Ёлғизгина жигаримнинг зурриёдига мен қарамасам, ким қарайди. Буни ўзи сизларсиз ҳам зиммамга олишим ҳам бурчим, ҳам қарзим...

– Кечирасизлар, рози эмасман, – дедим мен. – Ҳар ким ўз уйида яшасин. Қўшнининг қизлари ётишади, дугоналарим бор. Навбат қилишади.

Аммам нажот истаб оқсоқолга кўз тикди.

– Битта шу амманг бор... – ажабланди оқсоқол. – Қўшнининг қизлари билан дугоналаринг ота-она ўрнини босармиди? Эртага совчилар ўшалардан сўрайдим сени? Калта ўйлама, қизим. Аммангдан бошқа қаровчинг йўқ. Афсус, минг афсус, сенинг улардан бошқа ҳеч киминг йўқ. Турмушга чиққунингча, аммангнинг қарамоғида яшамасдан бошқа йўлингни биз кўрмаяпмиз. Ё амманг билан ўрталарингдан ола мушук ўтдимиз? Ўтган бўлса, яраштириш биздан. Шу кунгача эрка қиз бўлгансан, болаларча фикрлагансан, буни тўғри тушунамиз. Энди етти ўлчаб, бир кесмасанг бўлмайди, қизим.

Дадамнинг опаси каловланиб қолди, илло имилласа, кўп нарсадан қуруқ қолишини тушунди, зўрма-зўраки илжайиб:

– Оқсоқол бува, – деди шошапиша, – Хумора олти ойдан бери мендан аразлаб юрибди. Сабаби... сабаби унчалик хафа бўладиган эмас. Мен укам бечора билан ўзилишиб

кетмай деб, қудачиликка келишиб қўйгандим. Келин қилмоқчийдим, ўғлимга – Санжарга... Шу гапни кўтаролмади, қиз бола нарса... Хўп, тегмайман деса, мажбурламаймиз... Айтганингиздай, ёлғиз ўзи қандай яшайди? Кечагина жаноза бўлган уйга ёш қизлар чиқиб ётиши, бундан кейин Хуморажоннинг ёлғиз ўзи яшаши ақлга тўғри келмайди, ахир... Барибир жиянимни мен узатишим керак, укам бечоранинг арвоғи рози бўлсин...

Аммам рўмоли учини тишлаб йиғлаб юборди. Кўзларидан ростдан ҳам ёш сизиб чиққанини кўриб ҳангманг бўлиб қолдим. Макр олдида ожиз қолаётганимни нақадар теран ҳис этиб, ич-ичимга қалтироқ кирди. Қизлари ҳам шум онанинг гапини тасдиқлаган каби йиғлашга тушишди. Тавба-тавба, тепса-тебранмас эрининг – пиёниста поччанинг-да кўзлари пирпиради, кесақдан чўччиқди.

– Масала ҳал, – деди оқсоқол қатъий оҳангда, – Хумора қизимиз ёш, бунинг устига эрка ўсган. Аммаси билан ярашиб олади, вассалом.

– Тўғри, ота-онаси жойида тинч ётсин, – деди чоллардан бири. – Қизини оқ ювиб, оқ тараб эгасига топширолмаган амма ҳам аммами?! Куёвга ҳам ўзи узатади.

– Ана, ўзи келин қиламан, деяпти-ку...

Ғазабим бўғзимга тиқилди.

– Санжарга теккан куним ўзимни осаман! – деб шарт ортимга бурилиб кетдим.

Қисмат битигидан қочиб бўлармиди. Дадам билан ойимнинг «қирқ»игача аммам салкам бутун оиласини кўчириб келди. Айниқса, Санжарни кўргани кўзим йўқ эди. Дарвозахонадаги «Волга» ва «Жигули» атрофида кўп ўралашавергач, машина калитларини ҳам сейфга яшириб қўйдим.

Уларга қолса, ҳовли, машина, пуллар, ҳаттоки, ойимнинг кийим-кечакларини ҳам ўзлаштириб олишса. Келин қиламан, деб бежиз чопдим шум хотин! Кимга тўй, кимга аза, деб шуни айтадилар-да. Дадамнинг ўлими уни гангитиб қўйгани рост, лекин ҳар бир одамда бўладиган кутилмаган ўлим хабаридан эсанкираш эди, холос. Дарров кўзлари чақнаб, этига эт кириб қолганини кўрмайпманми?

Бир куни хонамда альбом суратларини томоша қилиб ўтирсам, пастдан шовқин эшитилди. Қарасам, аммамнинг сурбет эри ҳовли ўртасида туриб, чап қўлини силтаб гапиряпти. Хотини, ўғли, икки қизи бизникида эди, ёлғиз ўзига кун туққан, ҳар куни ичиш, шекилли. «Жаноза бўлган уйга нега ичиб келасиз?» деган гапни кутдим аммамдан. Йўқ, улар яна ўз муаммоларини ардоқлаб, вақир-вуқур қилавердилар.

– Пул олиб чиқасанми, йўқми? – оёқ тираб олди поччам.

– Бермайди менга! Ўзингиз сўранг!
– тўнғиллади аммам.

– Ўв, қарзга сўра. «Тахта база»нинг директоридан бир-икки сўм эмас, ўн минг қолади, юз минг... Агар бермаса, ўтган куни бўҳчанггами, токчагами яширган пулларингнинг аниқ жойини айт... Ўша пуллар қаердан тушди ўзи сенга?

– Секинроқ гапиринг, эшитиб қолади.

– Эшитса-эшитар...

Пиёниста почча кекириб, атрофга кўз югуртирди-да, «ҳе ўша...» деб сўкинди. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Кимни сўкяптими, нокас?!

Қўлларим мушт бўлди, тишларим ғижирлади; юз-кўзига бургутдек чанг солгим, то жони узилгунча тимдалагим келди. Бироқ... ногоҳон танимда енгиб бўлмас ожизлик ҳис этдим. Биринчидан, давангир эркакка кучим етмай чиранганим қолади, иккинчидан, қизлари билан анави сўтак ўғли мени ичкарига судраб кириб, панд-насихатлари билан жонимни ҳиқилдоғимга келтиришади. Маҳалла оқсоли: «Ичиб келган бўлса, ҳовлига киритманглар, уйига борсин», деб уларга ён босиши, ароқхўрнинг хотинию бола-чақасини эса қувиб юбормаслиги муқаррар. Аммам менга васий эди. Йўқ бўлиб кетсин бунақа васий!

Хонамга қайтиб кирдим. Суратдаги дадам ва ойим: «Хумор, бизсиз шунчалар нотавон бўлиб қолдингми?» дегандек туюлди.

Чидолмадим. Мен бунчалик ожиза эмасдим.

– Байрам қилиб юрибсизми, язна¹?
– деб зинадан бир-бир босиб туша бошладим.

Аммамнинг эри менга илжайди-да, бир иш билан шаҳарга келганини, хабар олиб ўтишга қарор қилганини тушунтирмоқчи бўлди.

– Бунга сўраётганим йўқ, – дедим ошкора ижирғаниб, – дадам билан ойим ўлганини, укам дом-дараксиз йўқолганини нишонлаб юрибсизми, деяпман.

Қизлари типирчилаб қолишди, аммам эса уф тортиб ошхонага йўл олди. Шу тариқа қочадиган бўлибди, айёр. Ҳозир икки соат нон кавшаб ўтиради, хўриллатиб чой ичади, нималарнидир ўйлаб олади-да, яна ҳовлида пайдо бўлади.

– Хумора, озроқ ичганимга хафамисан, дейман? Билсанг, отам ўлганда ҳам ичганман, онам ўлганда ҳам... Бир вақтлар оғзимга олмасдим қурғур ичкиликни. Кун келар, яна ташлаб, сўфи бўлармиз. Энди-и, ҳозирча шунақа бандамиз, нима қиласан?

– Ҳеч нарса қилмайман, фақат бу ердан қорангизни ўчираман.

– Кимнинг? Менингми? Ие...

– Амма! – деб қичқирдим ошхонага. – Эрингизни опчиқиб кетасизми, йўқми?.. Амма деяпман!

Долондаги «Волга»га суяниб, сақич чайнаётган Санжар менга ер

¹ Почча дегани.

остидан ўқрайиб қараб қўйди, лекин индаёлмади, алам билан қўлларини чалиштириб олди. Қизлари эса: «Дада, кеч бўлиб қолмасдан уйга етиволдинг», деб ялина бошлашди.

– Оиласи йўққа ўхшаб ёлғиз яшайман, – деди поччам. – Ҳамманг бу ёққа келиб олгансан.

– Алкаш, – дедим шарт изимга қайтиб.

– Нима деди?.. Нима деди бу?.. – ёлдиради поччам. – Алкашманми?.. Ҳа, алкашман! Лекин одам иси ёқмайдиган чиноқ эчки эмасман... Кетдим... Эй, Санжар, юр! Бехосият хонадонга ичкуёв бўламан деб, энангнинг гапига кирсанг, сен ҳам ўлиб кетасан! Бўғизлаб кетишади бирон овлоқда! Камбағал бўл! Менга ўхшаб душмансиз яша! Бойлигига тупур!

Зина тутқичини ушлаган кўйи қотдим. Қани ҳирсдек кучим бўлсаю бу одамни даст кўтариб кўчага улоқтирсам. Уйимизда бировларнинг ивирсиб юришига зор эмаслигимни ҳам кўрсатиб қўйсам. Аттанг, ҳали вақт бор. Камида бир йил. Булар ўзларича тўйимга ҳам бошчилик қилишмоқчи...

Шу пайт ўз-ўзидан кўнглимда бир гумон уйғонди: Гулзора аммам ростдан дадамга туғишганмикан? Ойим болалар уйдан чиққан, ҳеч кими йўқ. Дадам ҳам ёшлигини меҳрибонлик гўшаларида ўтказган. Кейин опаси топилган – Гулзора аммам. Бир кўнглим ишонса, бир

кўнглим ишонмасди унинг туғишганлардан эканига.

Зинадан югуриб тушдим, улар нима қилар экан, деб анграйишди. Кўчага чиқиб, «Узик»да соқчилик қилаётган милиция ходимларининг ёнига бордим-да:

– Бизникида яшаётган аммам ҳеч қандай аммам эмас! Дадам билан ойимни аслида ўшалар ўлдирган! Эртага мени ҳам ўлдириб, уй-жойимизга эга бўлмоқчи! – деб қичқирдим. – Сизлар уйимни кўчадан келадиган қотиллардан кўриқламоқчисизлар! Анавилар эмасми қотил?!

Милиция ходимлари мени эргаштириб ҳовлига келишди. Терговчини ҳам чақирдишди. Илло вазият кутганимчалик бўлмади, ношукр, тентақ, ичиқора, писмиққа чиқаришди (ҳарқалай, бу аммамнинг эри ишлатган таърифлар).

Шундай қилиб, почча ва икки қизи даф бўлди. Бир оз ўтиб аммам ҳам кетаманга тушди. Маҳалла аёллари ўртага тушиб, яна бизникида қолдиришмаганда, ундан ҳам қутулардим. «Хуморанинг қанақалигини биламиз, қўйинг, хафа бўлманг», дейишди аёллар. Агар аммам кетса, бутунлай тамом бўлар эмишман. «Тамом бўлиш» деганда улар менинг ахлоқсиз қизга айланишимни назарда тутишмоқда эди.

Ота-онамнинг бағрида эркаланиб юрсам-юргандирман, аммо энгилтаклик, шаллақилик, қўли

эгрилик қилмаганман. Маҳалланинг назарида, дарров бузилиб кетадиган, бетийиқ, беэтак қиз эканлигимни энди билдим. Тўйиб-тўйиб йиғладим. Дунёда бир суянчиғим йўқлигини, дадамнинг пулларига ишониб, чин дўст орттирмаганимни тушундим. Жўнининг бир гал қувлиги тутиб, ҳазил аралаш: «Агар даданг билан ойинг қаршилиқ қилса, сени олиб қочаман, барибир меники бўласан», деганди. Негадир шу гапи бирдан миямда кабутардек чарх уриб қолди. Қўнғироқ қилдим.

– Кўнглимга қил сиғмаяпти, Жўни, – дедим. – Бугун бизникига келоласанми? Гаплашадиган гаплар бор. Хўпми?

– Нима гап экан? – деб кўнгил ойнамни дарз кетказди у.

– Ўртамизда нима гап бўлиши мумкин? – деб гўшакни қўйдим.

Бир ўқ билан икки қуённи уришни мўлжаллаган эдим. Таассуфки, яна ниятим амалга ошмади, ҳаёт йўлларида ҳали гўр эдим, пишмагандим, ёш бошим не-не деворларга урилмаган эди...

Тушдан сўнг Жўни иккимиз дарвоза тагида эндигина мактабдаги воқеалардан гаплаша бошлагандик, қовоғидан қор ёғиб аммам эшикка чиқди.

– Кир ичкарига, кўчада бундай турма, – деди у, – уят бўлади.

– Нима? – фиғоним фалакка ўрлади. – Синфдошим билан гаплашсам ҳам уят бўладими? Эс-песингизни едингизми?!

– Синфдошингми, бошқами, бунақа гаплашиш уят, Хумора.

– Боринг, шарманда қиялпсиз мени.

Шунда аммам Жўнига захрини сочди:

– Эшитмадингми? Синфдоши бўлсанг, мактабда гаплаш! Бу ерга келма!

Жўни узр сўради.

– Нега келмайди? – дедим аммамга. – Мактабга бормаганимга бир ой бўлаяпти. Янгиликларни ундан сўрамасам, кимдан сўрайман?!

– Дугонангдан сўра! Чақир синфдош қизларни! Аммаси ҳам бир гўр экан, жиянини дарвозаси тагида бир йигит билан гаплаштириб ўтирибди, деган гапни кўтармайман. Сен бундоқ атрофга боқ! Тагли-жойли оиланинг қизи қош-кўзини сузиб, дарвозаси тагида ўғил бола билан гаплашишини кўрганмисан? Бунинг устига одамлар айтмайдими, ота-онасидан айрилиб, эгаси йўқ эркин қуш бўлиб қолибди, деб?!

– Бўлмаса, эшитиб қўйинг! Мен Санжарингизга эмас, шу йигитга турмушга чиқаман!

– Уятсиз!

Аммам эшикни қарсиллатиб ёпиб, ҳовлига кириб кетди. Мулзам бўлган Жўни минғиллаб хайрлашди.

– Жиддий айтдим, – дедим унга, – мактабни битирганимиздан кейин совчи жўнат, хўпми? Аммам уйни, машиналарни ўғлига олиб бериш учун келин қилмоқчи. Тегиб бўпман

унинг ўғлига! Шунча нарса менга қолдим, энди хоҳлаган одамимга турмушга чиқишга ҳаққим бор. Сен нима дейсан? Ўзи шунинг учун чақиргандим.

Қиз боладан бундай таклиф кутмаган Жўни дув қизариб, ҳадеб бошини қашийверди. Гўё мен йигит, у қиз эди.

– Кечқурун кел, уйда гаплашиб оламиз, хонамда, – дедим. – Дадамнинг сейфида анча пул бор, икковимизга етади... – Шундай деб кўнглим тўлиб, йиғлаб юбордим.

Бироқ Жўни мени юпатмади, юпатишга ақли етмади шекилли.

Кечқурун келишга рози бўлгани ҳам катта гап эди. Аммамнинг ўғлининг кўз олдида Жўни билан уйга кириб кетаман, ғинг деб кўрсинчи. Шундай тентакона қарорга келдим.

Аммам гапимни пойлаган экан, ўғли иккови тиш қайраб ўтирганини дарҳол пайқадим. Минғир-минғир қиладиган бўлса кўрсатаман жанжални, деб мен ҳам енг шимариб олдим. Лекин Жўни келмади. Қўнғироқ қилсам, ҳамма синфдошлар тўпланиб, синфдош қизнинг туғилган кунига кетганини айтишди. Бирдан ёдимга тушди: ахир, бугун Фарзона ўн олтига кирдику. Дарров уйига сим қоқдим. Гўшакни шу заҳотиёқ синглиси кўтарди, аммо опасини чақириб келиш учун роса уч дақиқа йўқолиб кетди.

– Ташқарига чиққан эканлар, беш дақиқадан кейин телефон қилинг, – деди у уялмай-нетмай сақичини пуфак қилиб шишириб, пақиллатиб ёраркан. – Кимлигингизни ҳам сўрамабман.

– Жўни шу ердами? – дедим ғижиниб. – Опангнинг синфдоши, нариги маҳаллалик тўлачадан келган бола.

– Опам билан кетган. Кассета опкелади... Нега кимлигингизни айтмаяпсиз?

– Терговчимисан? Бунча кўп савол бердинг?

Гўшакни синдиргудек тарақлатиб қўйдим. Худди шундай бўлишидан қўрққандим. Менга берган ваъдаси эсдан чиқиб, ҳатто телефон ҳам қилмай, Фарзонанинг туғилган кун базмида лайчаси бўлиб юрибди. Фақат Фарзонагина гўзаллик ва кийиниш бобида олдимга туша оларди. Аблаҳ, энди етимча бўлиб қолдим-да, а?! На дадам бор, на ойим. Тайинли қариндошларимиз ҳам йўқ. Бошимга тушган кулфатдан ўзимча фойдаланиб қолмоқчимисан?

Эгнимда аза кийими, бошимда рўмол, кўчага чиқдим. Милиция патрулининг кўзини шамғалат қилиш учун қўшнининг дарвозасини қоқдим, бош оғриққа қарши дори сўраб, бир-икки оғиз суҳбатлашдим-да, муюлиш томон жўнаб қолдим. Кўп ўтмай Фарзонанинг уйига етдим. Ҳовлисига қадам босганимда димоғимга кабоб тутуни ҳиди

урилди. Байраммисан байрам бўлаётган эди: очиқ деразадан йигит-қизларнинг «Модерн Токинг»нинг қўшиғига қийқириб рақсга тушаётгани кўринди. Воҳ, терисига сиғмай суюнган Жўни, ёнида келинчаклардек ясан-тусан қилган Фарзона! Юрак-бағрим куйиб, бир лаҳза тахта бўлиб қолдим. Кабоб пишираётган эркак нимадир дегач, ўзимга келдим. Азадорлигимни унутмаслигим керак эди, Фарзонанинг ойиси куймаланаётган ошхона сари юрдим. Шу пайт уйнинг нариги қанотидаги иккинчи меҳмонхона эшиги очилиб, бир одам чиқиб келди. Уни аввал ҳам қаердадир кўрган эдим. Шундан бўлса керак, кўз узмай қолдим.

– Кел, Хумора, – деди Фарзонанинг ойиси ажабланиб (ахир, камида олти ой аза тутишим, бу каби кечаларда қатнашмаслигим керак эди-да).

– Ичкарига кирмасам ҳам дугонамни шу ерда табриклар кетмоқчиман, – дедим. – Чақирасизми?

– Ҳозир... укам кетмоқчийди, бир қарай... Миршод, ўтирсанг-чи, – деб тўсатдан Фарзонанинг ойиси ҳалиги меҳмон томон шошилди.

«Миршод?.. Жуда таниш исм эди... Миршод?..»

Дадамнинг ётоқхонасидаги бир ёзувни эсладим, адашмасам, китобнинг охирги саҳифасига ручка билан “Миршод” деган исм ва яна қандайдир гап ёзиб қўйилган эди. Дадам блокнот ёинки бир парча

қоғоз тополмаганда китобгами, пулгами, газетагами ёзиб қўядиган одати бор эди. У қандай гап эди? Эслолмаяпман. “Миршод деган исм ҳам бўларкан-да? Шу вақтгача Дилшод, Гулшод, Элшод деб эшитгандим”, дегандим ўзимча.

Шу заҳотиёқ уйга қайтишга қарор қилдим. Ўша китобни топиб, ёзувни ўқишим керак эди. Ҳаётнинг ҳою ҳавасларига қанчалик берилмай, фожиадан сўнг мен учун биринчи ўринда қотилни топиш турарди. Қотил ёки бир гуруҳ қотилларни қўлга олиш йўлида мендан минг баравар кучли изқуварлар ҳаракат қилаётган бўлишса-да, мен ҳам умримнинг қайсидир бекатида қачонлардир хунхўр кимсани учратишимга, камида изини топишимга ишонардим. Оиламиздан тирик қолган ягона шахс ҳозирча мен. Шундай экан, атрофимда кимдир пайдо бўлмайди, кимдир бехосдан ниманидир сездириб қўймайди, яна бировлар ота-онамнинг иши, ҳужжатлари, пуллари бўйича алдаб-сулдаб ниманидир сўрамайди деб бўлмас эди, албатта.

Калаванинг учи топилгандек эди.

Ҳовли ўртасидаги йўлакда икки оғиз гаплашгунларича Миршод акани зимдан кузатдим. У баланд бўйли, билинар-билинемас қорин қўйган, ўзига ярашиқли костюмдаги келишган одам эди. Фаровон ҳаётнинг аломатлари бошдан-оёқ намоён бўлмиш бу тоифа одамларни илгари уйимизда тез-тез учратганим

учун ярқ этиб кўзга ташлангудек алоҳида белгиларини илғай олмадим, аммо кундузи кўчада таниб олишга имоним комил эди. Ахир, кўзим тушганданоқ нимасидир иссиқ, аниқроғи, совуқ кўринди-ку.

Икки-уч қадам ташлаб, жингалаксимон сочларини юлқилаб, деди:

– Нега хаёлим жойида бўлмас экан, опа, чарчагандирман. Кеча Фарғонадан қайтдим.

– Биламан, шу гапингни ўн марта такрорладинг, шунинг учун ҳам хаёлинг жойида эмас, деяпман-да!

Миршод ака сигарета тутатиб, дарвоза сари юрди. Хотирамга жингалак сочларини ҳам муҳрладим. Фарзонанинг ойиси мени ошхонадан тополмай ҳайрон қолгандир? Ҳаммом томондаги йўлакдан кўчага чиқиб, «Жигули»нинг рақамларини миямдаги хотира дафтарига битиб, уйга кетиб борардим.

Уйимизга яқинлашганимда, милиция ходимлари, қўшнимиз ва аммам менга баравар бурилиб қарашди.

– Қаерларда юрибсан ҳаммани ташвишга қўйиб?! – деди аммам ҳалолаб пешвоз чиқаркан. – Атайлаб қилгансан! Сенга ҳаммамизнинг асабимиз ўйинчоқми!

– Кимни ташвишга қўйибман? – ҳовлига кирдим.

– Мени, мелисани, ҳамсояларни кўрмайпсанми? Сал қолди тревога кўтарилиб, оёққа туришларига!

– Ҳеч ким ташвишимни қилмасин. Шунча вақтдан бери бировнинг ёрдами теккани йўқ, менинг ҳам зарарим тегмайди. Ҳамсоялару қаланғи-қасанғи оқсоқоллар, айнан сиз, ҳа, сиз мени ўйлашингиздан бир тийинлик фойда йўқ! Ва... ўйлаётганларингиз ҳам йўқ! Милицияга келсак, булар кечаси билан «Уазик»да ухлаб ўтиришади. Шахсан менга умуман соқчи керакмас. Ўлдираман деган одам истаган пайтда ўлдириб кетарди. Дадам билан ойимни ўлдирган қотиллар ўзларига соқчи қидиришсин, билдингизми?!

– Бу шунақа инжиқ бўп қолди, – атрофдагиларга зорланди аммам.

Севган йигитимни рашк қилганимдан уни ахтариб бордим, дейишни истадим. Шусиз ҳам шаънимга не-не энтак-тентак гаплар айтилганини фаҳмладим. Хонамга кириб, калитни олдим-да, дадамнинг ётоғига шошилдим.

Ногаҳон йўлимни Санжар тўсди.

– Биз сенга ҳеч ким эмасмизми? – деди у жаҳлдан кўкариб. – Бундан кейин ойимга ўйлаб гапир! Индамаганимга ҳаддингдан ошаверма, Хумор!

– Сен?.. Сен гапираяпсанми менга? Йўқол! Эртага уйимда қорангни кўрмай!

– Авлиё бўлсанг ҳам ўпкангни босиб ол! – Санжар деворни муштлаб, йўл берди. – Ерга уришни мен ҳам биламан! Орқамдан ялиниб юрасан ҳали!

– Бу уйда овозингни ҳам эшитмай!
Тушунарлими?

– Бугунча катта кет! Кўрамиз
кейин...

У билан тортишиб ўтиришга
тоқатим йўқ эди.

– Эртага гаплашаман сен билан,
текинхўр! – деб ётоқхонага кирдим.

Телевизор ёнидаги жавонни
титкилаб, “Миршод” деган исм
ёзилган китобни ахтара бошладим.
Қалин китоб эди, сарғиш. Эсимда
қолганига сабаб шу эдики, рус
дугоналарим Мопассан ишқий
саргузаштларни бошлаб ёзади,
дегани учун китобни варақлаб
кўргандим. Ишқ ҳақида ҳеч вақо
тополмагач, сўнги саҳифадаги ёзувга
дуч келгандим...

Топдим, йиртилган варақни
кўриб, бўш қоп мисоли шалвираб
қолдим. Фожианинг эртасигаёқ
милиция ва прокуратура ходимлари
уйимизни ағдар-тўнтар қилиб далил
ахтаришган, ётоқда тинтув
ўтказишган; китобларни ҳам бир-бир
варақлаб кўришган эди. Бундан
чиқди, уларнинг орасида
Миршоднинг ўзи ёки бирор малайи
бўлган экан-да? Бошқа ким ҳам ўша
варақни йиртиб олади дейсиз?
Терговчиларми? У ҳолда Миршод
аллақачон гумонга олиниб, тергов
қилинаётган бўларди-да.

Бирдан-бир чора – матнни миямда
тиклашим керак эди. Бошимни
чангаллаб, ўша сатрларни кўз
олдимга келтиришга ҳаракат
қилдим. Таассуфки, шунчаки кўз

ташлаб ўтилган ёзувни кейинчалик,
эслаш айтишгагина осон эди.
«Миршод» деган ёзув жимжимадор
эди, исм ғалати туюлгани учун эслаб
қолгандим. «Севгилим...» Ҳа! У ерга
«севгилим» деган сўз ҳам
битилганди. Бўй етган қизнинг
бундай сўзга лоқайд қараши, унутиб
юбориши мумкинми? Ва мени
шубҳага солган «барибир тинч
қўймайман...» жумласи эди.
Эсладим-а! Қандай ақллиман!
Хотирамнинг кучи бу!

Мана, оиламиз фожиаси ва
Миршод акани боғлаб турган ипнинг
номи! Бунини ҳозирча сир тутишга
қарор қилдим. Терговчиларга қанча-
қанча гумонлар айтмадим, не-не
танишларимизнинг бошини балога
қўймадим дейсиз. Одамлар мендан
кўнгили сўрашга ҳам чўчиб қолишди.
Қолаверса, терговчилар ҳам анойи
эмас, эндиликда тахминларимга
ҳафсаласизлик билан қарашар,
гоҳида ўзимни сўроқ қилиб, миямни
ачитишарди.

1987 йилда чоп этилган Мопассан
китобининг сўнги саҳифасига
шарикли кўк ручкада битилган
ёзувнинг тахминий мазмуни
қуйидагича бўлди: «Севгилим, бирга
бўлишимиз учун ҳамма нарсага
розиман... Тўхмат қилганларни
барибир тинч қўймайман...
Миршод...»

Ҳа, янглишмасам ўша матннинг
мазмуни шундай эди ва уни дадам
ёзмаган, хусусан, ойим ҳам.
Муаллифи Миршоднинг ўзи, бошқа

ҳеч ким эмас. Қотилликдан олдин ё кейин китоб варағи йиртиб ташланган. Хат ойимга ёзилган бўлса, ойим оилавий жанжалдан қўрқиб фожиадан аввал йирттимикиан? У ҳолда ойим билан Миршоднинг ўртасида нима бор? Балки Мопассан китоби уйимизга ўша ёзуви билан бирга келгандир?

Эртасига мактабга бордим. Йўлимда синфдош қизлар ўртасидаги ўзаро муносабатлару ишқ масаласи эмас, ҳеч ким тополмаган жиноятчиларни аниқлашдек мушкулот кўндаланг турарди. Шу ваздан ҳеч нима бўлмагандек ҳолаҳвол сўрашиб, Фарзонанинг ёнига ўтирдим.

– Кеча келишга келибсан, нега кирмай кетдинг? – сохта ўпкалашни қийворди у. – Тўғриси, туғилган кунимга кел, деб айтолмадим. Ҳозирча байрамларга чиқмайсан-ку, тўғрими?

– Узр, аммам изимдан келган экан, – деб алдадим, – уйдагиларингни чақирмоқчи бўлиб, дарвозадан бир қадам ташлаганди, югуриб бориб, орқага қайтардим. Шаллақилигини эшитган бўлсанг керак, шарманда қиларди одамни.

– Ҳа... – деди-ю, тилини тишлади.

Аммам Жўнига ўдағайлагани, мен эса турмушга чиқмоқчи эканлигимни айтганим, кечқурун уйга таклиф этганим, шубҳасиз, Фарзонага оқизмай-томизмай ҳикоя қилинган эди. Юрагим ёмон куйди. Ўзини йигит ҳисоблаб юрган Жўнига

қаҳримни сочмоққа чоғландим-у, мавриди эмаслигини англадим. Тулкини бўри енголмайди, тулкига тулкилик қилиш керак.

– Ўтган куни ҳазиллашгандим, кўнглингга олма, – дедим Жўнига. – Сенга эрга тегмайман. Ростини айтсам, йигит топдим. Мард бола. Машина ҳайдашни ҳам билади. Уйдаги шунча машинани бир ўзим нима қиламан. “Правам” ҳам йўқ.

У довдираб қолди, афтидан мендан ҳам, Фарзонадан ҳам айрилишни истамас эди.

– Бизникига бостириб келишди, туғилган кунга бирга борамиз, дейишди, ҳеч иложим қолмади, Хумор. Нима, хафамисан? Йигит топдим деб ҳам алдаяпсан-а? Бир кунда шунчалик... Сенга ишонаман, Хумор, лекин бу гапингга ишонмайман.

– Кел, синфдош бўлиб қолайлик, – дедим ижирғанаётганимни сездириб. – Одамнинг одамга иши тушади. Аммам ёмон, атайин унга эшиттириб айтгандим ўша гапимни! Бундан кейин илтимос қилсам, ёрдам берасанми?

– Гап йўқ, Хумор, – бутунлай бўшашди у.

– Ишондим.

Бир ҳафта мобайнида Фарзонадан тоғаси ҳақида анча-мунча маълумот тўплаб олдим. Миршод ака туғишган тоғаси эмас экан. Ойисининг биттаю битта амакиваччаси бўлиб, савдосотиқ билан шуғулланаркан. Айниқса, бир неча йил муқаддам

дадамга ўхшаб, ёғоч омборига бошлиқ бўлганини эшитганимда кўзларимдан ўт чақнаб кетди. Бугунги кунда кўпроқ Фарғона водийсидаги корхоналар билан ишлаши, биз томонларга камдан-кам келиши гумон ўтларига сув сеполмади. Қотилликка Миршодни нима ундаганига ақлим етмаса-да, асосий гумондорим у бўлиб қолди.

Иснод бўлса ҳам ёзишим керак, укам Дилбек ҳақида қўшни аёллар тарқатган миш-мишларни ҳам беихтиёр ўйлай бошладим. Дадамнинг китоб ўқиганини деярли кўрмаганман, ойим эса диванда ёнбошлаб, мутолаага киришиб кетарди. Демак, Мопассан китоби ойимга тегишли, Миршод ака номидан ёзилган битикнинг ҳам алоқаси бор. Бундан чиқди, дадам мен туғилганимдан кейин бошқа фарзанд кўролмаслик касалига гирифтор бўлиб, орадан ўн бир йил ўтгач, тўсатдан соғайгани ва кутилмаганда укам дунёга келгани – хато тахминим, холос. Наҳотки, Миршод ака билан ойимнинг яширин алоқаси бўлган? У ҳолда нега ўлдирилади? Девордаги шер суратлари қўпориб ташлангани-чи? «Шерлар бизга ажал олиб келади...» мазмунидаги гаплар-чи? «Видеокассетани сотиш учун сақлаётганим йўқ, туҳмат қилдингиз, ўн бир йил кутилган ўғилни нималар демадингиз? Ким қамалади, ким ўлади, бунга вақт кўрсатади...» деганида дадам ким билан

гаплашаётган эди? Миршод билан шундай оҳангда, шундай мазмунда гаплашиши мумкинми? Қайси эркак ўз хотинига ишқий алоқаси бўлган кимса билан шунақа гаплашади? Қотил Миршод бўлиб чиқмаса, шер суратларига сирли сабаблар ила боғлиқ қандайдир қора кучларми? Ё Миршод бирйўла ойимга ҳам, видеокассетага ҳам, шер суратларига ҳам боғлиқ шахсми?

Янгидан-янги тахминларим, гумонларим ҳозирча ичимда эди. Уларни ҳеч ким билан баҳам кўрмай, ўйлардим-ўйлардим, тишимни ҳам, тирноғимни ҳам қайрардим.

– Кейинги кунларда анча ўзгариб қолдинг? Нима гап? – деб сўради уйимизга келган терговчи.

– Ўзим... шундай... – деб жавоб бердим мен.

– Биз нимага келишганмиз?

– Ҳеч нарсани яширмасликка.

– Ақлли қизлигингни ўзинг биласанми, Хумора?

– Биладан.

– У ҳолда бирор гапни эсласанг, кимдир шубҳали хат ташлаб кетса, ҳатто кўзини қисиб қўйса ҳам менга айтасан.

– Хўп.

Дадам билан ойимнинг «қирқ»идан сўнг ҳам хаёлим қотил билан ўн чандон банд эди. Қанчалик чиранмайин, қўлимдан бир иш келмаслигини тан олардим.

Охирги хабарлардан бири – олис Термиз шаҳрида беш ёшли бола топилгани бўлди. Унинг Дилбек

эканлигига умид қилиб, кечқурунгача ҳар бир дақиқани асрларга менгзаб кутдим. Аммо суратини жўнатишганида, ҳўнг-ҳўнг йиғладим. Укам эмас эди у... укам эмас эди... Бутунлай бошқа бола...

* * *

Бироқ бир тасодиф туфайли ҳаётим қотиллар яширинган тақдир сўқмоғига бурилиб кетди. Кўп ўтмай аза муддати тугаб, байрамларда, туғилган кунларда фаол иштирок эта бошладим. Шунини айтишим керакки, Жўни даҳшатли иккиланишдан азоб чекаётганини яққол кўринарди. Бўлажак хотини бой хонадоннинг соҳибжамол қизи, қиз-жувонлар ҳавас қилганидан «вой, ана!» деб юборадиган бўлиши керак эди. Аҳмоқона талабларига аввал мен кўпроқ мос келганман. Фарзонага мойиллик ҳис этаётган айни чоғда эса менга уйланган йигит дадамнинг икки қаватли данғиллама ҳовлисию иккита машинасига, бунинг устига жарақ-жарақ пулларига ҳам эгалик қилади, деганимда уялмай-нетмай аламдан бўзариб кетарди. Бечора қаёққа ҳам қочади, қонида бор. Отаси ҳам молпарастлиги учун «қизингни бермасанг ўламан» деб бир бойнинг эшигига ётиб олган, дейишади...

Аммо ҳозир гап бунда эмас. Дадам билан ойимнинг маъракалари ниҳоясига етиб, унинг, яъни Жўрабойнинг туғилган куни бўлди. Ёзги таътилга чиққан эмасмизми, синфдошлар ҳар доимгидан-да шоду

хуррам, шўх ва тизгинсиз эдилар. Сентябрь келса, сўнгги ўқув йили. Шу билан мактаб ҳам тамом.

– Ҳамма ичсин! – деди кайфи ошиб қолган Жўни. – Қизлар ҳам!.. Ҳеч бўлмаса, «шампанский» қуйинглар!.. Хумор... ҳой Хумора, мен учун ич!.. Бир ич, илтимос... Фарзона, сен ҳам!.. Икковинг ҳам мен учун қадрли синфдош... Икковинг ҳам осмондаги юлдуз...

Олти ой тўй-базмга чиқмаслигим шарт эди, аммо ўйин-кулги қилдим ҳам, ичдим ҳам. Шу кеча илк бор уйга сархуш бўлиб қайтдим. Кўча эшикни Санжар очди, аммо синфдош йигитларни кўриб, қўрққанидан миқ этолмади. Мастлигимни сездирмаслик учун зинапоя тутқичидан маҳкам ушлаб, иккинчи қаватга кўтарилдим. Каравотимда ётолмадим, хона гир-гир айланар, дадам, ойим, укам кўз олдимдан нари кетмасди. Ахийри, бўлмади: юзимни ёстиққа босиб, ўкириб йиғладим, муштлаб-муштлаб йиғладим, тақдиримни қарғаб-қарғаб йиғладим...

Кейин чалқанча ётиб, қотилларни қандай ўлдиришни режалаштира бошладим. Бунинг учун аввало уларни топишим кераклигини ўйлаб, яна мушоҳадага берилдим. Ким ўша? Кимлар? Нега ҳеч ким тополмаяпти аблаҳларни?

Хаёл уммонида сузавердим-сузавердим, иттифоқо, лоп этиб видеокассетани тўримга илинтирдим. Милиция ходимлари

дадамнинг ётоғидагиларни текширишганида, ҳинд ва Америка фильмлари экан, деганларини эшитгандим. Ўшанда «ҳамма гап видеокассетада» деган ўй ҳозиргидек хаёлимга тўқмоқдек урилганда эди...

Гандираклар хонамдан чиқдим-да, ойимнинг ички кийимлари сақланадиган жавоннинг пастки тортмасида ҳам видеокассета борлигини эсладим. Ё ички кийим қутисимиди? Йўқ, адашмабман. Иккита видеокассета бор экан. Нариги хонага, дадамнинг ётоғига кириб, видеомагнитофонга жойлаштириб, пульта босдим. Бир лаҳзадан сўнг таърифлашга тил ожиз шармандали манзара намоён бўлди. Пульта тушириб юборган эканман, шошганимдан тополмай, типирчилаб қолдим. Сўнги чора – видеомагнитофон симини тоқдан узиш эди. Уздиму уят ва қўрқувдан бармоқларимни тишлаб, ҳайкал каби қотдим. Ҳозиргина кўз олдимда намоёниш этилган воқеликлар ҳақида рус гуруҳдаги Танядан эшитгандим. Синфимдаги йигитларнинг ҳам шу мавзудаги гаплари қулоғимга чалинганди. Бироқ ўз уйимда, дадамнинг ётоғида, яна денг, раҳматли ойимнинг кийим жавонидан топилган видеокассеталарнинг кутилмаганда фаҳш тасвирлари бўлиб чиқиши бутунлай довдиратиб қўйди.

Қанча вақт ўтирганимни билмайман. Қаердадир хўроз

қичқирди. Ҳалигина зиёфатдан келганимда, соат тунги бир бўлаётганди, тун оғиб қолибди-да. Эшикка бориб, уй ичига қулоқ тутдим. Жимжит. Аммам ҳам, пандавақи ўғли ҳам эрталабки саккизгача қотиб ухлашади, кечаси ҳолимдан хабар олармиди?

Симни яна тоққа уладим. Ахир, кассетани чиқариб олишим керак-ку. Аммо шайтони лаъин «видеомагнитофонни қўй... қўй... қўй...» деб турткилаётгандек, иккиландим. Ичилган шароб, кимсасизлик, эшик қулфи далда бердим, пулт тугмачасини босиб, экранга кўз ташладим...

Барибир чидаёлмай, ўн дақиқадан сўнг хонамга қайтдим-да, кассеталарни бекитдим. Дунёда шундайин шармисорликлар борлигини, одам зотининг бу қадар тубанлашишини, ҳайвонлардан ҳам ошиб тушадиган жирканчликлар қилишини етти ухлаб тушимда ҳам кўрмагандим. Наҳотки... наҳотки дунёнинг қайсидир шаҳарларида шундайлар бор? Улар маст ҳам эмаслар, гиёҳванд ҳам. Ё алҳазар, буни кино деб аташади, санъатнинг бир тури ҳисоблашади. Мисли кўрилмаган даражада тубанлашишга нима мажбур қилди экан бечораларни?

Йўқ, бу ҳақда ёзиш ҳам уят, фикрлаш ҳам. Яхшиси, қиз бола бошим билан ичганим, беҳаё фильм томоша қилганим учун минг бор тавба қилай-да, ухлай, эртага

хаммаси тушга айлансин. Тушга айланмаса, қайтиб уйғонмаганим, оилам каби йўқлик диёрига кетганим минг марта афзал.

Ғойибдан бир овоз қулоғимга чалиндими, тушимда эшитдими, шундай дейишди:

– Дунёнинг ярими балчиққа ботиб бўлди. Анави уятсиз видеокассета ҳам балчиқдан топиб олинган. Йўқ, топиб олинмаган, атайлаб уйларингга олиб келинган. Ким келтирган дейсанми? Даданг, ойинг... Хуллас, сен ҳам балчиққа чапландинг. Кўзларингни ўйиб олишса ҳам покланмайсан...
Ҳаммангни қарғиш урган...

* * *

Ниманингдир ғийқиллашидан кўзимни очдим. Кимдир зўр бериб ойна ишқаларди. Кейин тарақлади. Офтоб аллақачон нурафшон этган оламда фақат менгина ухлаб ётган эканман. Деразадан қарасам, шимини тиззасигача кўтариб олган Санжар палосларга резина ичақдан сув сепиб, оёғи билан ишқалаб юваяпти. Қўшни хона деразасини артаётган аммам чиранаяпти чоғи, ғийқиллаш яна эшитилди. Наҳс босиб ётадиганлар байроғи лип этиб менга ўтиб қолибди, шекилли. Улар қайноқ ҳаётда, мен сасиб ётибман.

Ғувиллаётган бошимни чангаллаб бирпас ўтирдим. Аммам хонамга бостириб киришга журъат этолмасди, кечаги воқеадан сўнг қулфлаб қўйибман. Кассеталарни текшириб кўрдим, жойида. Агар

шулар билан тутиб олишсами, умрбод юзим қора бўлиши тайин.

Ошхонага тушиб, овқат йўқлигини кўрдим. Одатда аммам кечагини иситиб қўярди. Сейфдаги пуллардан олиб бермаганимга аччиқ қилган бўлса керак. Энди уйга четдан пул келмайди. Аввал сейф соб бўлади, кейин тақинчоқлар, иккала машина. Дадамнинг бор топган-тутгани неча йилга етар экан?

Уҳ тортиб стулга чўқдим. Ростини айтсам, яшагим келмай қолди.

– Хумора, турдингни? – Эшикда аммам кўринди. – Чой-пойингни ичиб ол, бизга ёрдамлашасан. Уйни ярақлатиб қўймасак, одамлар «буларнинг ҳоли хароб бўлибди» деб гапиришаяпти. Сен ҳам ўзингни қўлга ол.

– Ҳеч нарса қилмайман.

– Бу нима деганинг? Фақат менга керакми?

– Дадамнинг опасимисиз? Уй-жойимизга қараш учун келганмисиз? Вазифангизни бажаринг! Мени эса тинч қўйинг!

– Ўзинг биласан, барибир тинч қўймайман. Тарбиянга, тақдирингга мен жавобгарман. Тўйинг бўлсин, сени тайинлироқ эганга топшириб олай, кейин қўй сўйсанг ҳам келмайман. Яхшилиқни билмаган! Мен нима дарддаю бу нима дардда?!

У гапига ўзи ишониб, аразлаган каби шарт бурилиб кетди. Шу аёл мендан аразлайдими? Ҳашаматли ҳовли-жойдан, тақинчоқлардан,

ойимнинг кийим-кечакларидан кўз юмиб-а? Дадам билан ойим ўлиб, унга кун туғди. Уйимиздан менга сездирмай қанчадан-қанча ўлжаларни ташиб кетишга улгургандир, ҳойнаҳой.

Водопровод ёнига етгач, шошилишчи изига қайтиб:

– Сейфингда қанча пул қолган? – деб сўради. – Санаб кўр! Бир-иккита молга етса, новвос, сигир олиб, бизникида, қишлоқда боқамиз. Пулинг тугаб, давлат берадиган пенсияга кунинг қолишини истайсанми? Ётиб есанг, машиналаринг ҳам чидамайди... Ҳа, майли, индамасанг индама. Сенга яхшилигимни айтдим. Ўйлаб кўр!

Ҳеч бир фикрига қўшилишни истамай, қўрслик қилишда давом этардим. Тамагирлиги учун ёқмаган одамнинг уйингга кўчиб келиб, хўжайин бўлиб яшаса, чидашинг осонми? Шу дамгача биронта самимий гапини эшитмадим, эшитмасам ҳам керак. Мол боқайлик, деган таклифи сейфдаги пулларни менинг қўлим билан ўғирлашдан бошқа нима бўлиши мумкин? Ким билади, қанча фойда қилишни чўтлаган? Учта новвос олсак, биттасини ўлдига чиқариш унинг учун шунчаки гап, холос. Сичқон ўлса, мушук бугун тўяди, эртага-чи? Ўғирлик-да.

Кун бўйи карахт бўлиб юрдим. Яширмайман, хаёлимда кечаги беҳаё фильмлар эди. Ўйлаб-ўйлаб видеокассета уйимизга қандай келиб

қолгани нафратимни кўзғади. Ким ойимнинг кийим жавонига яшириб қўйган? Бу уйда мен ва укамдан ташқари дадам билан ойимгина бор эди, демак, кеча тушимдаги овоз ҳақиқатни айтган... Улар?! Дадам ва ойим?.. Э-воҳ, беҳаё, жирканч, ифлос фильмлар томоша қиладиган ота-онанинг фарзанди эканман-да? Мана, қушнинг шарофати билан палапон ҳам гувоҳ бўлди тубанликка! Хўш, энди нима қилишим керак? Кўзларимни ўйиб олайми?..

Афсуски, қалбимга шайтон васвасаси чуқурроқ ботган эди. Туриб-туриб видеокассетадагиларни синфдош қизларга кўрсатиш фикри миямга урилди. Билмадим, худбинлигимми, ичиқоралигимми, балки танимда ҳали ўлмаган шўхлик қолдиқлари қароримга доялик қилгандир, нима бўлганда ҳам, бундан бир оз тинчланишимни ҳис этдим.

Томоғимдан овқат ўтмаётганини сезган аммам отимни айтиб чақирди.

– Ҳа? – дедим деразадан.

– Нега тушлик қилмадинг? Мазанг йўқми? Ё кеча... ичдингми?

– Ичдингми?! Тавба, туҳмат қилсангиз, каттасини қилинг! Мен алкаш эмасман!

– Бўпти, кўп жаврама! Не-не ниятларда биттаю битта ўғлимга келин бўл, десам, чаққанинг чаққан! Кел, Санжаржон помидор, бодринг олиб келган экан, салат қилиб еб олайлик. Шаҳарларингда яшашнинг

Ўзи бўлмайд-ёв... У ёқда язнанг алкаш бўлиб кетмаса гўрга эди.

Ҳовлига тушганимда аммамнинг ҳали ҳам жағи тинмаган, Санжар бир оёғини чорпоядан осилтириб, машинага суқланиб қараб ўтирарди.

– Бугун дугоналаримни чақираман, ош қиласиз, – деб хонтахта устига бели букилмаган пуллардан ташладим.

– Нега?

– Зерикиб ўлдим... Ош қиласизми, йўқми?

– Санжар, бозорга чоп, – деди аммам масхараомуз оҳангда.

Оғзидаги пўчоқни гул орасига итқитар экан, Санжар қўлини чўзди.

– Калитларни бер, Хумор, машинада борай. Ҳеч бўлмаса, тоғамнинг яккаю ёлғиз жияни эканлигимни ҳисобга ол.

– Ҳайдоласанми? – лабимни бурдим унга.

– Қурумсоқ, – деди чорпоядан сакраб.

– Биринчи учраган «КамАЗ»нинг тагига кириб кетсанг, суюқларингни йиғиштирмайман, билдингми?!

– Нафасингни иссиқ қил-е! – бобиллади аммам. – Санжар ҳазиллашяпти. Умрида мошин ҳайдаганми бу!

– Мен ҳам ҳазиллашяпман, – дедим оғзимга помидор солиб. – Ўлсам ҳам суюк йиғиштирмайман. Ҳи-ҳи-ҳи-и...

Шундай қилиб, кечқурун ўзимга яқин тўрт қизни тўпладим, қўнғироқ қилган эдим, Таня ҳам келди.

Хонамга телевизор билан видеоманитофонни киргизган эдимки, аммам: «Сени биров чақираяпти», деб қолди. Чиқсам, Фарзона билан укаси.

– Тил-адабиёт китобларингни бериб тур, – деди у. – Дадам ўқишга шу ёздан тайёрланасан, деб ҳеч қўймаяпти. Августгача конспект қилсам, қайтараман.

Шу пайт Таня ҳовлига чиқди, иккинчи қават деразасида ҳам қизлардан бири бўй кўрсатди.

– Ие, ўзимизнинг қизларми? – ҳайратланди Фарзона. – Нима қиляпти ҳаммаси сеникида?

Бошқалар ҳам Фарзонани таниб, чақира бошлашди. Ноилож қолган эдим. Ниҳоят, укасига бир соатларда олиб кетишни тайинлаб, уйга кирди. Ҳинд фильми томоша қилиб, ош едик. Таня нега таклиф қилганимга ҳайрон. Ахийри, зерикди ва сабабини сўради. Ростини айтишга Фарзонадан иймандим. У сир сақлолмайдиган қиз эди, Жўнига ҳам айтиши мумкин.

– Нон урсин, деб қасам ичсаларинг, тўғриси айтман, – дедим уларга.

Охири вақтларда сал бошқачароқ бўлиб қолганим аён-ошкор эди, бири-бири билан маъноли кўз уриштириб олишди.

– Манави видеокассетада нима борлигини кўрсаларинг... – қўлимни томоғимга арра қилдим. – Ҳушдан кетасанлар! Бундай киноларни фақат Таня билади, чунки аввал шу ҳақда

ундан эшитгандим. Таня, ҳаммасини тушунгандирсан?

– Керакмас, – деди Таня дарров фаҳмлаб. – Катта хато қилаяпсан, Хумор, эртага ўзинга ёмон бўлади. Ўзбек бўлсанг, маҳаллада яшасанг. Сендаги бу матоҳни эркаклар яширинча кўришади-ю... Милиция эшитса ҳам яхшимас.

– Ахир, булар қасам ичишади.

– Майли, қасам ичир. Аммо барибир бу катта хато. Биласанми, мен ҳам аслида кўрмаганман, бир аёлдан эшитганман. Уйингда тўпланиб, кино томоша қилганимиз, минг қасам ичирганинг билан, сир бўлиб қолмайди. Бунинг устига қанақа фильм-а! Эсинг жойидами ўзи? Нима бўлди сенга?

Қизлар пиқ-пиқ кула бошлашди. Улар беҳаё фильм эканлигини сезишган, дунёда шундай видеокассеталар борлигини аввалроқ эшитишган эди.

– Қанақа кино эканлигини билдик, қасам ичирмай қўя қол, – деди қизлардан бири. – Қайси калла билан айтамыз, ҳаммага шарманда бўлиб, эртага эрга ҳам теголмай қолайликми? Қўшнимизнинг бир жияни «залиния»га тушганди, яқинда ажрашиб кетибди. Чунки эри вокзал яқинидаги ташландиқ вагонда «видео» қўйиб, пул ишларкан. Бир куни ўтган-кетган иршайиб қараётганини сезиб қолибди. Нега булар менга бундай қарашаяпти, деб келинчак бояқиш кўп ўйлабди. Кейин бир боладан

эшитибдики, эри вагонда икки баравар қиммат нархга уят фильмлар кўрсатаётганмиш. Фалончининг эри шунақа фильм қўйган, деган гапнинг ўзи бир умрлик ҳақорат бўлиб пешонасига тамға бўлиб қолади.

– Битта кино учун ажрашиб кетганми? – кўзларини пирпиратди Фарзона. – Шунчалик ёмон киноми?

Ҳалиги дугонам унинг устидан шарақлаб кулди. «Йўқот бу кассеталарингни!» демади ҳеч ким. Менинг ҳам шайтонлигим тутиб, қутичага қўл солдим-да, кассеталардан бирини юлқиб олдим ва шоша-пиша видеомагнитофонга тиқиштирдим. Бироқ таниш мусиқа ва ёзув чиқмади, мени ёлғончи қилишни истагандек ҳинд фильми бошланди.

– Қайси фильм эди-я? – дейишди қизлар.

– Баччан қатнашган фильм бўлса керак.

– Баччанмас, анави бору...

– Жим, қизлар, кўрайлик...

Уч-тўрт дақиқадан сўнг экран бижирлаб қолди-да, бутунлай бошқа манзара – кимнингдир ганчли уйи намоён бўлди.

– Бу сенинг уйингми? – сўради Таня.

Кўзларимга ишонмадим: ҳақиқатан, бу бизнинг уй, аниқроғи, дадамнинг ётоғи эди. Девордаги ўрмон манзараси ўртасида шер турибди, ўша бехосият ва сирли шер. Тасвирчи диванни, кийим жавонини, эшик-деразани суратга олган, сўнгра

эшикни оҳиста итариб, укам Дилбекнинг ётоғи томон йўл олган эди. Мана, эшик очилди, мана, укам... укажоним ётибди, маза қилиб ухлаяпти... Кейин эса менинг хонам сари равона бўлди. Эшигим шовқинсиз очилди (нафас ҳам олмай экранга тикилиб қолганман), хонам ўша-ўша... Чироқ ёруғи тушди, мен ҳам ухлаб ётибман. Гўё ҳаммамизга уйқу дори бериб, кимдир суратга олиб чиққан. Кейинги тасвирларда эса катта кўча, машиналар акс этган, тасвирчи машинанинг олд ўриндиғида ўтириб, суратга олган. Назаримда, қайсидир машинанинг ортидан тушишган...

Қутичага қарадиму адашиб иккинчи кассетани олганимни тушундим.

– Узр, бу бошқаси экан, – деб пультага қўл узатгандимки, экрандаги тасвир йўқолиб, яна уй ичкараси кўринди. Бироқ буниси энди уйимиз эмас, бегона макон эди. Камера олдидан бир аёл ва эркак қўл ушлашиб ўтди, бошлари кўринмади. Аёл ибосизларча кулди, «чўлп» этган овоз эшитилди. Дугоналаримни билмадим, аммо мен тошга айланиб қолгандим.

– Ақлдан озибсан, Хумор, – деди Таня.

Хотиржам сўзлаган эса-да, қичқириб гапиргандек туюлди. Қандай воқеа муаллифига айланаётганимни англаб, пулт тугмачасини жон-жаҳд ила босдим.

– Бу эмас экан, – деб кейинги кассетага ёпишдим, нима бўлса ҳам дугоналаримни чалғитмоқчи эдим. Ахир, яширин тасвирдаги аёл ойимга ўхшаганидан даҳшатга тушган эдим-да.

Ҳаш-паш дегунча экранда беҳаё фильмнинг жирканч тасвири кўринди. Кутилмаганда Фарзона уят ва қўрқинчдан чийиллаб юборди, қолганлар ҳам жўр бўлишди.

– Сенга айтмаганмидим! – Таня пультага тортиб олиб, томошага чек қўйди. – Каллангни узишади-ку, бунинг учун, Хумор! Маҳаллангда шарманданг чиқади энди!

Аммам эшик ортида пойлаётган эканми, тутқич шарақ-шуруқ қилди, аммо қулфлаб қўйгандим, очолмади.

– Хумора, оч эшикни! – ёқимсиз овози эшитилди. – Бу нима қилиқ?! Хумора деяпман!..

Қизлар кўзларини ола-кула қилиб, менга нажот умидида тикилиб қолишди. Балога қўйган ҳам, қутқарган ҳам ўзим бўлдим. Фаҳш видеокассетаси борлигини, бир лаҳза бўлса ҳам, намойиш этганимни аммам қаёқдан билади? «Дугоналарим билан ўтиргани ҳам қўймайсиз!» деб жўрттага бир-икки аччиқ-тизиқ гап қилдим, сўнгра «шундоқ ҳам туришга отланган меҳмонларни» кузатишга чиқдим.

Сир бой бермасликка тиришиб, амал-тақал жўнаб қолишди бечоралар. Хонамга шошилдим, ҳовлини кесиб ўтаётганимда аммам шундай ўқрайиб қарадики, ростини

айтганда, сезиб қолдимикан, деб ичимга ғулғула тушди. Санжар эса чорпояда чўзилиб ётганча минғиллаб кўшиқ хиргойи қиларди. Тўғриси, ҳеч қачон менга эшиттириб хиргойи қилолмаганди у. Бундан чиқди, дунёда кўп нарса ўзгармоқда. Мен енгилаяпман, мен ботқоққа ботяпман.

Иккинчи кассета рад этиб бўлмас далилий ашё эди, назаримда. Мана, уйимиз тасвири, кўча, кейин ўша – нотаниш эркак билан аёл учрашуви... Йўқ, у ойим эмас экан, Худога минг-минг қатла шукр. Қотилликдан сўнг уйимизда тинтув ўтказишганда, ё бу видеокассетани топишолмаган, ё ҳинд фильми деб ўйлашган.

Сал ўтмай эркакни жингалаксимон сочларидан танидим – Миршод ака эди. Юрагим орқага тортиб кетди. Агар бир оз томоша қилишганидами, Фарзона тоғасини таниб қоларди. Кейин эса... билмадим, нима бўларди? Яхшиям, кассетани вақтида тўхтатиб, беҳаё фильм билан чалғитдим.

Ота-онамнинг қотилларини аниқлаб, қасос олиш режаларим, пучга чиқмайдиган бўлди. Ҳа, улар қўлга тушишса, ўн-ўн беш йилга қамалишади. Менинг эса қамоқхонам йўқ. Қонга қон деганларидек, қотилларни ўзим ўлимга ҳукм этишга қатъий аҳд қилгандим ва бунга оз қолган эди, чамамда. Сотишга машина бор. Унинг пулига қотил ёки қотилларни ўлдирадиган одамни топаман.

Бўсалардан сўнг иккови диванга – видеокамера рўпарасига ўтириб, ниманидир муҳокама қила бошлашди. Жон қулоғим билан тингласам-да, овоз ёзиш тизимидаги шовқин туфайли ҳеч вақони тушунмадим. Ғовур-ғувурли тасвирга сабрим чидамай ўтказиб-ўтказиб кўргандим, шу маълум бўлдики, эшик тақиллаб, иккови ҳам сапчиб туришган, кейин хонадан ғойиб бўлишган эди. Шундан сўнг экранда бўм-бўш диван қолди.

Дадам раҳматли видеокамера сотиб олганида, ёшлик қилиб бировга гуллаб кўймаслигимни қаттиқ тайинлаган эди. Ажабланмасам ҳам бўлар, яширин тасвир – дадамнинг иши. Бироқ нега уйимизни, укамни, мени суратга олгану давомига хиёнатчи Миршод ва нотаниш хотинни муҳрлаган? Кассетанинг бўш қисмидан бошқа мақсад учун фойдаланганмикан?

Сўнгги чора – уларнинг гапини тушуниш эди. Энди тасвирга эмас, овозга диққат қилдим. Ва анча-мунча гапни шовқиндан ажратиб олишга муваффақ бўлдим.

«Борган сайин хавф остида қолаяпман, деб ўйлаяпсизми?» – сўради Миршод.

«Олти йил тугул ўн йил сен билан юрсам ҳам билмасди, қаёқдан анавини илаштириб олдинг?»

«Кимни? – кулди Миршод. – Илаштираманман... Сиздан бошқа бировни десам...»

Бир қанча сўзлар бутунлай шовқинга қоришиб кетган эди.

«Садр изингга тушган-ку!.. У эримга чақишдан ҳам тоймайди... Хотинчалиш... сўтак...» – жиғибийрон бўлди аёл.

Кейинги гапларни тушуниш тобора мушкуллашди, аммо дадамнинг исми тилга олинганини важдан қайта-қайта эшитиб, ахийри мудҳиш қотилликка ошкора ишора қилинган гапни топдим. Нотаниш аёл шундай деди: «Михаил Садрни ўлдириб, хотинига эга чиқса, қутуламан...»

Кассеталарни қишлоқ кийимларим турадиган шкафдаги пальтомнинг чўнтагига яширдим. Қотилнинг исми аён эди: Михаил! Яъниким, Миршод ва унинг ўйнаши танийдиган, эҳтимол, ёлланма қотилликни касб этган ўзга миллат вакили.

Ақлим етмаган томони шу эдики, нега энди Михаил дадамни ўлдириб, ойимга эга чиқаркан? Ҳаёт болалар эртаги эмас-ку, дев ғолиб келиб, маликага хўжайин бўлса.

* * *

Ўрта мактабнинг тўққизинчи синфини тамомлаган, мактабни тамомлашига, мустақил ҳаётга қадам қўйишига бир йил қолган мендек ҳимоясиз қиз қотилларнинг айбини тўлиқ исботлаши, ваҳшийларча қасос олиши – булар чексиз адоват истаги эди, холос. Ота-онам ўлдириб кетилганидан сўнг юрагим таърифлаб бўлмас қаҳр-ғазабга тўлди, хунрезларни қийнаб қатл этсам ҳам алашим босилмасди. Энг

тўғри йўл – видеокассетани милиция қўлига топшириш ва Мопассан китоби саҳифасига Миршод ёзган битикни уларга эслатиш эди. Миршоднинг ёнидаги аёл ойим эмас экан, демак, Мопассан китобидаги битик ҳам ойимга ёзилмаган.

– Яхшиси, милицияга бериб, уларни тезроқ топтираман, – дедим ўзимга-ўзим.

Эндигина тунги либосда тўшакка чўзилгандимки, қадам саслари келди, ғўнғир-ғўнғир қилишди ва бирдан аммамнинг жеркингани эшитилди:

– Э-э, нимага мужмалланасан, итар эшикни! Ҳозир кўрдим, дединг-ку!

Бир пайт она-бола уялмай-нетмай ётоғимга бостириб киришди, хаёл билан бўлиб эшикни қулфламаган эканман. Чироқ ёқилди. Устимга чойшаб тортишга зўрға улгурдим. Ғазабдан қандай титраб кетганим ўзимга-да билинди. Аммамга ҳам, томи кетган ўғлига ҳам бор захримни сочмоққа ҳозирлангандим, даҳшатли айблов янгради:

– Хумора, мени номусларга ўлдириб, дугоналаринг билан қандай кино томоша қилдинг? Қани бузуқларнинг кассетаси?! Шу даражага бордингми-я? Ойдек қизлар деб ўйласам, ҳамманг бир гўрмисан дейман? Эртагаёқ ҳар бирининг уйига бориб, ота-онасининг олдида шармандасини чиқараман!

– Тухмат қилманг, «индийский» кино эди!

– Мана, гувоҳ! Ўзим ҳам сездим, бекорга чийиллашиб қолмади улар!.. Ўз кўзинг билан кўрганингни айт, Санжар! Тағин Хумора икковимизни туҳмат билан уриштирма, бола! Кўзгинангни ўйиб оламан-а! Нега серраясан? Гапир, Санжар!

Тўсатдан ялт этиб деразага қарадим тушундим. Иккинчи қаватдаман-ку, деб гоҳида пардаларни ёпмасдим. Билмаган эканманки, Санжар ярамас дарахтга тирмашиб чиқишини, ётоғимга мўралашини. Ахир... ахир, шу хонада кийимларимни алмаштирганман, ич кийимда кўзгу қаршисида соатлаб ўтирганман. Бу чўчқанинг қони бузуқлиги аниқ, менинг бемаза қилиқларим эса унинг феъли олдида кечирса бўладиган хатоликлар эди.

– Ойи, ўлай агар, булар «лойқа» кино кўрди, – деди Санжар. – Кассетани анави шкафга яширди, ишонмасангиз, очинг! Кўрасиз!

– Э, ўчир! Мен ҳам кўрайми энди ўшани!

– Кинони кўринг, демаяпман...

Аммам ўғлининг гарданига жаҳл билан бир шапалоқ урди.

– ...Кассетани деяпман-ку! Нега урасиз?!

Қарасам, қаҳру ғазабдан чойшабни шундай ғижимлаб олибманки, бармоқларим синиб кетаёзибди. Она-бола шкафга қараб юрган заҳоти эгнимга халат илиб, белимни боғладим-да, пультни Санжарнинг бошига улоқтирдим. Пулт қарсиллаб синиб кетди.

– Итнинг боласи! – Тиш-тирноғим билан ёпишдим унга. – Сен деразадан қарадингми?! Пойлаб юрган экансан-да, наҳс!

Вазият мен кутганимча бўлмади. Ота-онам ҳаётлигида хушомаддан бошқасини билмайдиган, «Хуморжон, Хуморжон» деб гирдикапалак бўладиган аммам сочимга ёпишди, бураб олиб, мушт ёғдирди. Санжарнинг тепкисидан бурчакка учиб тушдим. Умрим бино бўлиб тарсаки емаган эрка қиз эдим, икковининг савалашидан эсхонам чиқиб кетаёзди: бор овозимда чинқира бошладим. Рўмолни оғзимга тиқиб, елкамга, биқинимга аёвсиз ураверишди. Айниқса, Санжар биқинимга тепганида нафасим қайтиб, дўзах азобида типирчилардим. Қани, бас қилишса! «Ўлдим» деб ўйладим.

– Бўлди, энди урма, – деди аммам ўғлига. Кейин мени деворга суяб, қўлини бигиз қилди. – Бузуқ кино кўрдингми, йўқми? Алдасанг, ҳозир кассеталарни олиб, видеомагнитофонга қўяман! Шу ердаёқ тилка-порангни чиқараман! Ғинг деб кўр-чи, элу юртга шарманда қиламан! Биқиним кўкарди, мелисага бераман, деб хаёлингга ҳам келтирма! Хўш, кўрдингми бузуқ кинони?

Оғзимдан рўмолни олиб ташлади.

– Кўрдим, – дедим йиғлаб.

– Қани?

Бу вақтда Санжар иккала кассетани ҳам онасининг қўлига тутқазиб улгурган эди.

– Шуларми? – Аммам кассеталарни важоҳат билан бурнимга тақади. – Энди гап бундай, сени фотиҳалайман, Санжарга! Тушундингми? Бузилиб кетганингни шу ерда яшаб мен билмабман, эртага уйимга кетсам, нима бўласан?! Уни ўпоқ-бунни сўпоқ деб эр танлашинг аниқ! Лекин бу эркалингинг энди ўтмайди!

– Тегмайман... Урганларинг учун... қаматаман...

– Ҳеч қаеринг кўкармаган, гувоҳинг ҳам йўқ! Бизда эса манавилар бор! Мана! – Аммам кассеталар билан бирга клёнка қопчага солинган аллақандай хасни бурнимга тутди. (Бу энг жўн, аммо ўта хавfli туҳматлардан бири эди.) – Сен дадангдан қолган пулларга наша чеккансан! Наша чекмаган қиз бузуқ кино кўрадими? Агар булар милицияга тушса, кассеталарингуну нашанг учун – жами беш-олти йилга қамаласан! Уйингни эгаллаб олиб, ўғлимни кўзингни ўйнатадиган қизга уйлантириб қўяман! Қилган шармандаликларингни айтмайсанми?! Бунинг устига дугоналаринг ҳам бадном бўлади! Кўрамиз, қайси йигит уйланаркан ўша номи чиққанларга!

– Туҳмат қилманг, амма! – дедим мен (кўп йиллардан бери уни эндигина «амма» дедим).

Чимирилган қошлари тўсатдан ёйилиб, лабидан табассумга ўхшаш нимадир югуриб ўтди.

– Сени келин қилиш аввалдан ниятим эди-ку, «амма» деган тилингдан! – деди у. – Розимисан? Шунча ғавфо нимага керак? Укамдан биттаю битта ёдгорсан, жон демайсанми? Уй-жойингни ташлаб кетолмайсан, ким ҳам ичкўёв бўлиб келади? Танангга бир ўйлаб кўр! Тўғри, ҳозир қўл кўтардик, лекин ўзинг бошладинг-да! Жирканч ишлар қилганинг камдек қиз бола бошинг билан йигит кишига ёпишиб кетдинг! Агар Санжарга тегсанг, тўйдан кейин бир марта чертса, уриб ўлдираман уни! Мабодо бир тола сочингни юлсам, қўлим синсин, қўлгинам синсин! Менинг ҳам «совхоз»да уй-жойим, рўзғорим бор, кетаман! Яшайверасан икковинг!

Санжар деразанинг олдига бориб олди, аммам эса кўзларини чақчайтириб оғзимни пойларди. Биламан, ялмоғиздан ҳар нимани кутса бўлади.

– Қўйворинг, – дедим. Сўнг жойимдан турдим-да, шкафдан кийимларимни ола бошладим. – Бугунча дугонамникида ётаман. Ўйлаб кўриб, эртага жавобимни айтаман... Кассеталарни беринг.

– Йўқ, булар тўйгача далил бўлиб туради, кейин ўз қўлим билан ёқиб юбораман.

– Нима? Ёқиб юборасиз? Ахир, бунинг ҳаммаси беҳаё фильм эмас...

– Ўчир овозингни! – Яна тутоқди аммам. – Алдаёлмайсан! Иккинчи марта сўрама мендан!

Шу пайт Гулзора аммам яна аввалгидек туғишган эмас, қотилларнинг ҳамтовоғи бўлиб туюлди. Далилий ашени йўқотиб юбормасмикан? Ойимнинг

сандиғини титкилаганда ҳам муддаоси видеокассета бўлмаганмикан?

Келин қилишдан мақсади дадамдан қолган қўшқаватли, ҳайҳотдек уйни эгаллаш эканлигини яшириб ўтирмади, дарди видеокассеталигини ҳам пинҳон тутмас балки?

– Амма, сизга нега керак у? – деб қўлимни чўздим. – Беринг! Агар ишонмасангиз, қўйиб кўринг! Видеокамерамиз бор эди, дадам укам иккимизни суратга туширган...

Аммам эшитишни ҳам истамади.

– Бўлди, кўп жиқиллашма! Юр, Санжар!

Улар эшикка яқинлашгач, дедим:

– Дугонамникига эмас, тўппа-тўғри милицияга бораман. Майли, кассета учун қамалсам қамалай! Лекин сизни ҳам йўқ қилиб, биратўла қутуламан!

– Эсипаст! Яхшилиқни билмаган банда!

– Ҳа, эсипастман!.. Демак, кассетани бермайсиз-а?! – деб овозимни яна кўтарганим он жини қўзиб турган жодугар иккала кассетани ҳам деразадан улоқтириб юборди. Уларнинг бетон устига тарақлаб тушгани эшитилди.

– Ўл «кассета, кассета» деявермай! – қичқирди у. – Муштдек бошинг билан фоҳиша бўл, эркакларнинг қўлидан қўлига ўт! Қўлма-қўл юр! Тунги капалак! Бузуқи! Кўрсатиб қўяман сенга! Яхши гапни билмаган сўқир!

Ётоғимдан отилиб чиқдим, аммо ҳовлига тушганим заҳоти Санжар етиб олди. Тортишиб-юлқилашаётганимизда, аммам ёнимиздан зинғиллаб ўтди-да, кассеталарнинг бирини, айнан далил бўла оладиганини тепкилаб, мажақлаб, ўчоқ тагига отди. Ўша куни катта қозонда банка қайнатаётган эди.

Оловга – ошхона ёнидаги ўчоққа отилдим, Санжар ушлаб қолишга зўр бериб чиранди. Кучи етармиди. Рад этиб бўлмас далилий ашё ёнаяпти! Бир лаҳзадан сўнг тасмадан бутунлай айриламан-ку, ахир!

Аммам ўғлига ёрдамга шошилди, канадек ёпишиб олди қарғишга қолгур.

– Мени билмас экансан, Хумора! – деди қўшнилари эшитмаслик учунми, тишлари орасидан вишиллаб. – Кассеталарсиз ҳам бўйин эгдираман сени! Билиб қўй, укамнинг номига доғ туширадиган бирортаям нарса керакмас менга!

Ашёвий далилдан, энг муҳими, менинг укагинам акс этган хотира лавҳаларидан бир умрга, абадий айрилган эдим.

– Дадажон! – чинқирдим ахийри. – Нега ташлаб кетдинглар мени?!

Нима қилай?.. Нима қила-а-а-й?..
Ёнма!.. Ёнмай тур!.. Кассетам!.. Укам
бор-ку унда! Укамнинг тасвири...
Далилиям керакмас! Қўйвор!..

Бу вақтда уйимизни милиция
ходимлари қўриқламайдиган
бўлганди. Шовқин-суронни эшитиб,
қўшнилар чиқишди. Бири менга
косада сув узатди, бошқаси аммамни
тергай кетди.

– Участка нозирини чақиринглар,
бу ерда бошқа гап борга ўхшайди! –
деди олд қўшнимиз бўлмиш
Одилбой ака.

– Чақирсин, гаплашамиз, –
ҳансиради аммам ҳамон ўзини
босиб ололмай. – Менга
ишонмасанглар, ўзидан сўранглар!
Ана... бирор ёмонлик
қилибманмикан? Кўнгли ярим
бўлса!.. Биттаю битта ёдгорим,
жияним... Ота-энасининг ўлиmidан
кейин шунақа бўп қолди. Хизматга
туҳмат қилиш яхшимас... Нима
қилган бўлсам, бебош қизни ёмон
йўлдан қайтариш учун қилдим!..
Бугун йўлга солмасам, кейин кеч
бўлади!..

– Дадам билан ойимни ўлдирган
одамларнинг гаплари ёзилган
кассетани ёқиб юборди! – дея хўнг-
хўнг йиғладим.

Бу оддий гап эмасди. Ота-
онамнинг ўлдирилиши, беш ёшли
укамнинг дом-дараксиз йўқолиши
катта-катта идораларда бот-бот
можароларга сабаб бўлган,
қотилларни фош этолмагани учун
терговчи алмаштирилган, баъзилари

сусткашлиқда айбланиб, ҳайфсан
олишганди. Мен эса шундай
вазиятда муҳим бир далилни қўлга
киритгандиму, аммам ўтга ташлаб,
йўқ қилган эди.

Юзимни ювиб, артингунимча
милиция ходимлари етиб келишди.
Терговчилар кечаси ҳам худди
эрталаб ишга келгандек тетик
бўлиши яна бир бор ҳайрон
қолдирди.

– Ҳеч ким ҳеч қаёққа жилмасин! –
деди қотма терговчи ўктам овозда.

– Иккови мени урди, – дедим, –
ҳозир экспертизага олиб боринглар,
биқиним шишган, кўкарган
жойларимни ҳам кўришсин. Аввал
ҳам айтганман, бу аёл менинг
ҳақиқий аммам эмас! Шу ерда
яшаётганидан бери ҳамма ёқни
титкилайди. Пул-сул ахтараяптими,
десам, дарди видеокассета экан.
Ҳозиргина атайин пачоқлаб, ўтга
ташлади. Унда дадам билан ойимни
ўлдириш режаси ҳақида бир аёл
билан эркак гаплашган лавҳа бор
эди. Қотилларнинг шериги
бўлмаганида ўтга ташлаб
юборармиди? Ташламасди, албатта.
Милицияга кўрсатиб, қотилларни
дарров топтирарди.

– Сиз уни қаердан олдингиз? –
сўради терговчи мендан.

– Ойимнинг кийимлари орасидан
чиқди. Пастки тортмадан.

– Нега бизга хабар бермадингиз?

– Сизлар уларни ушлаб, фақат
қамайсизлар.

– Бу билан айтмоқчисизки...

– Мен уларни ўзим топиб ўлдирмоқчи эдим. Қамалиш билан қутулиб қолишса, бу осон жазо.

Одамлар бир-бири билан кўз уриштиришди. Терговчи мийиғида кулгандек бўлди. Сўнгра мени ичкарига бошлаб кириб, эшикни ёпди-да, деди:

– Ўч олишни бутунлай унутинг. Қамоқ – ўлимдан баттар жазо. Бир оилани ваҳшиёна қириб ташлаган кимса ёки бир тўда кимсалар қамоқдан қайтиб чиқади деб ўйлайсизми? Аста-секин қовжираб, узоқ йиллар азобланиб ўлишади, буни унутманг, қизим! Қасос олиб, қотил аёллар билан бир сафда жазо муддатини ўташ нима зарил сизга? Тўғримми?

– Ҳм, – дея бош эгдим.

– Аммангиз видеокассетани нега ёққанини аниқлаймиз, ҳозир менга айтинг, лавҳадаги эркак билан аёлни танидингизми?

– Фарзона деган синфдошимнинг тоғаси, исми Миршод. Аёлни эса танимадим. Улар «Михаилга айтамыз, Садрни ўлдиради, хотинига эга чиқади», дейишди.

– Бу гапларни кимникида айтган?

Мен елка қисдим.

– Уйни танидингизми? – сўради терговчи.

– Йўқ, нотаниш уй.

– Экранда видеога олинган сана бор эдимми?

– Эътибор қилмабман бунисига.

– Дадангизни ўлдириш, оингизга эга чиқиш... Ростдан шунақа гап эшитдингизми?

– Овоз яхши ёзилмаганиди, нимадир моторга ўхшаб гувиллаб турарди, лекин ўн-ўн беш марта такрор эшитиб кўрдим. Дадамни ўлдириш, оймни ўзиники қилиб олиш ҳақида гапиргани аниқ.

Терговчи менга синовчан боқди. Уларни ғаройиб, гоҳо ақлга сиғмайдиган тахминлар билан кўп гаранг қилганман, наҳотки, бу сафар ҳам ишонмаётган бўлса?

– Ҳинд фильмларининг кассеталари кўп экан, тез-тез кўриб турасизми? – сўради у.

– Ҳеч қанақа ҳинд киносидан олиб гапирганим йўқ. Ўлай агар! Мен алдамаяпман! Анави қора хотин ёқиб юбормаганида, ўзингиз ҳам кўрардингиз!

Терговчи мени тинчлантиришга уриниб, елкамга қўл узатган эди, қўлини силтаб ташлаб, юзимни тўсдим.

Терговчи аммамни чақиртирди.

– Жиянингиз рост гапираяптими? – деди у менинг даъвомни баён этгач. – Қанақа видеокассета эди?

– Ёқиб юборганим рост, – жавоб берди аммам кўрқув инган, аммо сурбетлик кўпроқ балқиган кўзларини терговчига қадаб, – лекин улар бошқача кассета эди, керак бўлса, иккинчисини ҳам ёқиб юбораман. Бу қиз, мен сизга айтсам, эсини еб қўйган. Мен айтаман, сиз сир сақлайсиз, чунки бунинг тақдири билан боғлиқ.

– Қулоғим сизда. Эштайлик-чи.

– Тухмат қилиш учун нашани кимдан сотиб олганингизни ҳам айтасиз, – дедим аммамга.

– Қанақа наша? – кўзлари ўйнади аммамнинг. – Хаҳ, ғўр қиз, ғўр қиз-а! Ўз бошингни ўзинг балога қўйиб юрасан! Оддийгина исириқ эди-ку у! Шундай қилиб... бу қиз нима деса деяверади, терговчи ука, қўшнилари эшитмасин... Хуллас, бугун бир тўда синфдош дугоналарини чақириб, уйда уят фильм қўйиб берди, анави ётоқхонасида. Шарманда! Бу гап элга чиқса, битта ўзи эмас, дугоналари ҳам юзи қаро бўлади! Ҳаммасининг тақдирини, келажагини ўйлаяпман.

– Порнография демоқчимисиз? – терговчи аммамга эмас, менга анграйиб қаради. – Тушунмадим, қизлар йиғилишиб... Йўқ, бунга тушунтириброқ айтинглар. Балки кассета тасодифан беҳаё фильм бўлиб чиққандир?

– Йўқ! – чўрт кесди аммам. – Ўғлим ҳам гувоҳ!

– Ўғлингиз?

– Дарахтга чиққан экан, тасодифан иккинчи қават деразасига қараса, қизлар бузуқ кино кўриб ўтирганмиш. Хумора аввалдан ёмон кассета томоша қилиб юришини ўзим ҳам сезардим, лекин исботим йўқ эди. Бугун иккита кассета билан ушладим! Бермайман деб тўполон кўтарди, уйдан кетаман, деб қочди. Нима қилишим керак эди? Кетма, деб тармашдим! У ер-бу ери тилинса тилингандир! Зинапоядан ҳам

йиқилди. Ҳатто, ўғлимнинг бошини ёрди пулт билан!

– Тухмат! – деб қўлларимни мушт қилдим.

– Жа катта ёрилмаса ҳам, пулт синди, боши кўкарди. Ё урмадингми? Виждонан гапир-чи, Хумора!

Алам қилгани – терговчининг кўпроқ аммамга ишонаётгани эди.

– Ифлос! Нонкўр! – дедим сенсираб, юмдалашга хезланиб.

– Ўзингизни босинг! – деди терговчи менга. – Ҳарҳолда қиз боласиз, бу киши эса ёши катта аёл – аммангиз! Қисқаси, икковингиз менга ёнмай қолган кассетани ҳозироқ топиб берасиз, исириқ дейилган ўша нарсани ҳам. Бугун шу ерда фильм томоша қилган қизларнинг исм-фамилияси керак. Тушунарли-я? Кейин, Хумора, айтмоқчисизки, кассета яширинча ёзиб олинган?

– Албатта-да! Улар одам ўлдириш режасини махфий тутишади, ҳеч замонда видеога олиб, кассетани эсдаликка сақлаб қўйишмайди-ку!

– Дадангизнинг видеокамерасида ёзилганми?

– Ҳа, шунақага ўхшади. Иккаласининг учрашувини ҳам дадам ёзиб олган бўлса керак...

**Давоми кейинги қисмда.
Кейинги қисмни ўқиш учун
телеграмдаги +99897 7138577
рақамига мурожаат қилинг!**